



“Ажабо ўзи учун айтаяптими”, деган фикр ўтди хаёлимдан. Чунки Муҳаммад Солиҳ ака ва оиласининг Каримов диктатурасидан энг қаттиқ азоб чекканлар сафида экани маълум. Золим режим у кишини ноҳақлик билан 1999 йилги Тошкент портлашларида айблаб 15 йилга қамоқ жазосига маҳкум қилган ва укалари ҳам ўнларча йиллаб Каримовнинг зиндонларида азоб чеккан ва чекмоқда эди.

Лекин мен бу фикримдан дарров қайтдим. Чунки Муҳаммад Солиҳ фақат ўзи ва оиласи учун “Эркинлик

20 асрда Ҳиндистонда Неру, Жанубий Африкада Манделла, Чехияда Ҳавел ўз халқларининг миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган эдилар. Ҳозирда Туркияда Тоййиб Эрдўғон, Мисрда Муҳаммад Мурсий ҳам ўз халқлари ва давлатларида “Эркинлик ва Адолат” учун курашмоқдалар. Қисқача айтилган бўлса, ЎХХ Ҳиндистонда, Жанубий Африка Республикасида, Чехияда, Мисрда ва Туркиядаги миллий озодлик ҳаракатларига ўхшаш бир ҳаракатдир ва Неру Ҳиндистонликлар, Манделла жанубий африкаликлар, Ҳавел чехияликлар, Мурсий мисрликлар, Эрдўғон туркияликлар учун озодлик ҳаракатининг раҳбари ҳисоблангани каби Муҳаммад Солиҳ ҳам ўзбеклар учун мана шундай “Эркинлик ва Адолат” учун кураш ҳаракатининг раҳбаридир. Бу бир ҳақиқатдир, машҳур золим ва унинг малайлари буни тан олмаслар ҳам ҳақиқат барибир ҳақиқатдир...

Ўтган деярли икки йилда ЎХХ ўзбек халқи наздида ва дунё сиёсатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Аллоҳ таолонинг инояти билан сўнги йилларда Австралияда бошқа барча қитъаларга саёҳат қилдим ва ЎХХ ва унинг раҳбарининг довуғи дунёнинг турли бурчақларига етганлигига ўзим гувоҳ бўлдим.

Бу гапни ўзимизнинг машҳурлигимиз билан мактаниш мақсадида айтаётганим йўқ, албатта. Гап ЎХХ шиор қилиб олган “Эркинлик ва Адолат” ғоясининг дунёнинг тўрт бурчагига тарқалгани ва дунёга анор донлари каби тарқалиб кетган ўзбеклар орасида машҳур бўлиб кетгани ҳақидадир.

Бугун алҳамдулилла Ҳиндистоннинг барча вилоятларида ЎХХ танилди, бу вилоятларнинг туман ва шаҳарларида сон саноксиз аъзо ва хайрихоҳларимиз фаолият олиб бормоқдалар. Шаҳарларда ва қишлоқларда компакт-дискларимиз, варақаларимиз, китобларимиз тарқалмоқда. Хуллас, ўзбек халқи диктатор Каримов режимининг кулашини кутгани каби ЎХХ раҳбарлигида ватанимизда эркинлик ва адолатга асосланган янги жамият қурилишини ҳам интизорлик билан кутиб турибди...

(Давоми кейинги саҳифада)

## ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗДАН УЗОҚЛАШМАЙЛИК

2011 йилнинг апрел ва май ойида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати тузилиши ҳақида матбуотда хабарлар пайдо бўлиши билан чин дилдан бу ташаббусни олқишладим. Янги ҳаракат Муассисларидан Муҳаммад Солиҳ акага бу ҳақдаги ўз фикр ва таклифларимни юбордим. Кейин Берлинга, ЎХХнинг биринчи қурултойига у киши билан бирга кетдик. Самолётда ягона мавзуну, яъни янги ҳаракатнинг ғоя ва мақсадларини муҳокама қилдик:

### “Янги ҳаракат қандай ҳаракат бўлади?”

1990 йилда “Эрк”га аъзо бўлиб, Муҳаммад Солиҳ ака билан танишганимда ҳам шунга ўхшаш мавзуну гаплашгандик.

У пайт биз Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши учун курашга бел боғлагандик. Масала ойдин ва кураш йўлимиз аниқ эди: Ўзбекистон Коммунистик партиясининг СССРда қолиш расмий сиёсатини рад қилиш ва бу орқали Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиш.

Ўша йиллар менинг сиёсатдаги илк тажриба йилларим ва эътирофи этишим керакки, ҳаётимнинг энг хаяжонли йиллари эди...

Истанбулдан Берлинга кетар экан Солиҳ акага янги ҳаракатнинг мафкураси қандай бўлиши керак, деб сўрадим. Чунки бир сиёсий ҳаракатни мафкурасиз тасаввур қилиб бўлмайди:

“Эркинлик ва Адолат” деди Солиҳ ака вазминлик билан...

ва Адолат” истаганда эди сиёсий фаолиятни йиғиштириб қўйган бўларди. Бу билан диктатор Каримовни чексиз қувонтирарди, балки Муҳаммад Солиҳга ватанга қайтиш учун руҳсат берилар ва ҳозирда қамоқда сақланаётган укаси Муҳаммад Бекжон дарҳол озод қилинган бўларди.

Аммо гап 30 миллионлик ўзбек деган халқнинг “Эркинлиги ва бу халқ учун Адолатни таъминлайдиган янги жамият қуриш ҳақида кетаётганди. Қисқача айтилган бўлса, диктатор Каримовнинг режими дунёга қандай Қуллик ва Зулм билан танилган бўлса ЎХХ ва унинг лидери ҳам бу машҳур диктаторга қарши “Эркинлик ва Адолат” байроғини кўтириш билан танилиши керак эди...

Шунинг учун ҳам ЎХХ нининг биринчи қурултойида мен янги ҳаракатнинг ғояси ва мақсади “Эркинлик, Адолат ва Ҳуқуқга асосланган фуқаровий жамият” қуришдир шиорини ўртага ташладим. Бу ғоя ва мақсад қурултойда овозга қўйилди ва қабул қилинди.

Орадан бир йил ўтиб Прагада ЎХХ нинг иккинчи қурултойи бўлди. Унда ҳаракатимизнинг ғоя ва мақсади янада тиниқлашди ва ЎХХ “Миллий Озодлик ҳаракатидир” (русчаси “Национально Освободительное Движение”) деган хулосага келинди. Зеро, 2011 йилнинг йилда ўртага чиқиб, қисқа вақтда дунёни ларзага солган “Араб Баҳорининг” шиори ҳам “Эркинлик ва Адолат” эди.

## ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗДАН УЗОҚЛАШМАЙЛИК

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Маъна шундай масъулиятли кунларда ЎХХ ва унинг курашини ҳам, унга қарши қилинаётган фитна ва тухмат сафарбарликларини ҳам табиийлик ўрнида кўришимиз керак.

Чунки зулмнинг энг қоронғу нуқтаси ойдинлик яқинлашганининг ишорати ҳамдир. Диктатор Каримов ва малайлари бутун кучлари билан ЎХХ га тўсиқ қўйишга, ҳаракатимизни ва унинг граҳбарларини обрўсизлантиришга уринмоқдалар. Бу мақсадда ҳаракатимизнинг оммавий ахборот воситаларига ҳужумлар қилинмоқда ва ЎХХ нинг Ўзбекистондаги вакилларига турли тазйиқлар ўтказилмоқда. Аммо ойна этак билан ёпиб бўлмайдими, зодимлар қанчалик ҳаракат қилмасин ЎХХ ўзининг мақсадига тобора яқинлашиб бораётганига шубҳамиз йўқ. Ўзбекистондан ҳаракатимиз қилаётган ишларга келаётган акс сандолар бунинг очиқ далилидир. Бир сўз билан айтсам, алҳамдулиллаҳ ЎХХ бугун халқимиз билан бирлашди ва бундан кейинги масала диктатор Каримов режимининг у ёки бу шаклда қулаш масаласидир...

ЎХХ га золимано муносабатда бўлаётганларнинг “далиллари-дан” бири сиёсий нуқтаи назардан ҳаракатимизнинг муҳофазакор (ғарбдаги консерватив тушунча) чизгисига яқинлигидир. Бу ҳам табиийлик ўрнида кўрилиши керак, чунки аҳолисининг 90 % мусулмон бўлган мамлакатда адолат ва эркинликни мақсад қилиб олган ҳаракатнинг миллий ва эътиқодий муҳофазакорлиги фитрий бир хусусиятидир.

Агар биз америкадаги қизил танлиларнинг ёки ғарбдаги либерал ва атеист гуруҳларнинг (улар албатта ўзларининг жамиятларида ўз ғояларига эргашадилар) кадриятларини ўзимизга шиор ва байроқ қилиб олганимизда бу нотабиийлик бўларди ва асосан мусулмонлардан иборат бўлган халқимиз ҳам ўзига бегона бўлган бундай “кадриятларни” қабул қилмасди. Ёки исми ўзимдан, ичи тамоман бизга ёт бўлган ақлсизлар каби “имония” мазҳабини яратдик, бу мазҳабга кўра Ислом динида фарз ибодатлар йўқ, ҳалол ва ҳаром деган нарса ҳам йўқ, яхши ахлоқ ва маънавият қоқоқлик ишоратидир, деганимизда мусулмон ўзбек халқи бизга эргашар эдимиз? Бундай ақлсизликларни иддоа қилаётганлар эртага Ўзбекистонда эркинлик ва адолат тантаъна қилганда

мусулмон халқнинг уларни сайлаш у ёқда турсин, юзларига тупуришларини биладиларми? Ҳой инсофсиз, ўзинг Ҳақ динни ёқтирмас экансан, ҳеч қурмасан, ғарблик атеист демократларга ўхшаб, мен динга ишонмайман, аммо диндорлар билан ҳам ишим йўқ, демайсанми? Бу маънода баъзиларнинг бизни “соқол кўйганлар” деб ҳақоратлашлари тарбиясизлик ҳамда савиясизликдир. Улар бунинг ўрнига ўзларининг “соқолсиз”, яъни ялтираган юзларини реклам қилсалар бўлмайдами? Балки бу билан халқнинг эътиборига тушиб ҳам қоларлар. Аммо сирти ялтироқ, ичи қалтироқ бўлганлар буни ҳам эплаша олмайди.

Ҳақиқат шундан иборатки, Ислом дини ва мусулмон уммати бугун дунёда бўлаётган жараёнларнинг марказида ўрин олди. Бунинг учун Парвардигоримизга қанча шукр қилсак оз. Чунки бундан 30 йил олдин дунёда Ислом дини ва мусулмон уммати борлиги ҳақида ҳеч ким гапирмасди ҳам. Демак, Ислом динининг ва мусулмонларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишини ўйлайдиган, бу йўлда ҳаракат қиладиган мўътадил сиёсий ҳаракатларга ҳам эҳтиёж пайдо бўлди бугун. Зеро, Исломий йўл охираччилик (роҳиблик) ва дунёпарастлик (материализм) орасидаги ўрта йўлдир. Яъни, динимизга ҳар қандай “парастликлар” (измлар), ҳаддан ошишлар (радикаллик) ётдир. Шунинг учун ҳам ЎХХ ва ҳаракатимиз вакиллари радикалликда ва террорчиликда айблаётганлар аслида ўзлари материализмнинг фикрий ва амалий террорчилари ҳисобланади.

Баъзи биродарлар мени сиз шу жоҳилларни ҳам Ҳақ йўлга даъват қилишдан чарчамайсиз, дея танқид қилишади. Тўғри мен бу инсофсиз тоифаларга ҳам насиҳатлар қилганман, уларга шояд фойда олишса, дея китобларимини юборганман. Ахир инсонларнинг аъло-си ва пайғамбарларнинг охиригиси Муҳаммад (сав) Абу Жаҳлни, яъни аввалги ва ҳозирги жоҳилларнинг ёлғон эътиқод ва маънавиятсизликдаги оталарини тақор ва тақор Ҳақ йўлга даъват қилган эдиларку!

Абу Жаҳл зулмини ва тубанлигини ортирган сари Муҳаммад (сав) адолатларини ортирган эдиларку! Куръони Карим биз мўминларга “Жоҳиллар сизларга сўз отадиган бўлса, уларга “”сизларга салом бўлсин”, денглар” дея амр қилганку (Фурқон сураси 63 оят)

Демак, биз ЎХХ вакиллари сифатида бутун кучимизни ҳаракатимизнинг ғоя ва мақсадларини амалга оширишга қаратишимиз керак. Албатта, бизга қарши айтилаётган тухмат ва иғволарни ҳам жавобсиз қолдира олмаймиз. Фақат бу иғво ва фитналарни қилаётганлар куллик ва зулм тарафдорлари, биз эса эркинлик ва адолат тарафдорлари эканлигимизни асло унутмайлик. Орада ғоя, мақсад ва савия фарқи бордир. Кечагина тухумдан хом ҳолида чиққан жўжачанинг самода парвоз қилаётган бургутни сўкиши нақадар кулгули ҳамда ачинарли ҳолдир. Бунинг устига майдонда пайдо бўлиши тубанлик ва ҳақоратдан иборат бўлган арзимас махлуққа нима деб жавоб бериш ҳам мумкин? Ахир тенг тенги билан деган ўзбекларнинг донолари.

Мен ҳаракатимизнинг барча вакиллари асосий ғоя ва мақсадимиздан чалғимасликка, бор кучимиз ва имконларимизни Ўзбекистондаги золим режимнинг кирдикорларини фош қилиш ва халқимизнинг тараққийпарвар вакиллари бу йўлда бирлаштиришга ҳаракат қилишга чақираман. Албатта, ЎХХ ва унинг вакиллари танқид қилиниши керак. Аммо бундай танқид ижобий ва энг муҳими амалий бўлиши керак эмасми? Агар баъзилар ЎХХ фаолиятдан мамнун бўлмаса, нега улар ҳақиқий халқ ҳаракати мана бундай бўлади, дея янги ҳаракат тузиб, уни сиёсат майдонида ЎХХ дан таъсирлироқ ва кучлироқ қилиб кўрсата олмайдилар? Ҳақиқий танқид мана шундай амалий танқид, тўғрироғи эркинлик, адолат ва ҳақиқат йўлида мусобақилишидан иборат бўлиши керак. Бунинг ўрнига фитна ва ҳақоратни ўзларига зийнат қилиб олганларга ҳозирча афсусланишдан бошқа иложимиз йўқ. Ҳозирча деяпман, чунки ўз замонида ҳақ тарафида бўлган Чўлпонларни, Фитратларни, Абдулла Қодирийларни турли фитна ва бўҳтонлар билан дорга остирганлар ҳам ўзбек номини ташиган истеъдодсиз, қобилиятсиз, фитначи ҳасадгўй заволлилар эдилар. Кейинчалик ҳақиқат тантаъна қилганда мана шу тухматчи ва жосуслар халқимизнинг маломат ва лаънатига сазовор бўлмадиларми? ЎХХ ва унинг раҳбари Муҳаммад Солиҳ Чўлпонлар, Фитратлар, Абдулла Қодирийлар юрган йўлни давом эттирмоқда ва бизга қарши ҳақсизлик ва фитна қилаётганларнинг эрта индин адолат тантаъна қилганда лаънат ва маломат селида бўғилишларида ҳеч қандай шубҳамиз йўқдир.

**Намоз Нормўмин**  
ЎХХ ММ аъзоси

2013 йил 09 март куни маҳаллий вақт билан соати 12-00 да “Мардикорлар касабаси уюшмаси”нинг юристи, Абдулла Тожибой ўғлига, Тошкент шаҳри “Уриқзор” мавзесида жойлашган, “Мардикорлар бозори”да ёлланма ишчи бўлиб ишлаётган, сурхондарёлик фуқаролар, Жасур Жонибеков ва Абдували Жаҳонгировлар томонидан мурожаат келиб тушган.

Мен шунинг учун, Абдулла Тожибой ўғлига телефон қилдим...”

Иккинчи жабридийда мардикор йигит, Абдували Жаҳонгировнинг сўзи эса қуйидагича: “Менинг укам, Азаматни одам савдоси билан шуғулланувчи инсофсиз, ўзимизнинг фуқаролар, Қозоғистонга олиб бориб, эртадан-кечгача ишлатишган. Улар укамнинг ишлаган иш ҳаққини ҳам бермаган.



## МАРДИКОРЛАРГА МАДАД КЕРАК. МИЛИЦИЯГА «КАЛТАК» КЕРАК!

Шу мурожаатга асосланиб Абдулла Тожибой ўғли ва Нуриддин Жуманиязовлар “Уриқзор” бозорига боргандилар.

Бироқ Жасур Жонибековнинг сўзига қараганда воқеа шундай бўлган: “Мен “Уриқзор” бозорида иш излаб юргандим, иккита милиция ходими мени тўхтатишиб, “Хужжатиңгни кўрсат!” деб мендан талаб қилди. Улар менинг фуқаролик паспортимни кўриб чиққанларидан кейин, мени тўппа-тўғри Тошкент шаҳар, “Уч-Тепа” тумани “жиной ишлари бўйича суди”га олиб боришди. Уша суд идорасида ишловчи милиция ходимларига хужжатимни топширишиб, “бу фуқаронинг “прописка”си йўқ экан. Тезда Сурхондарёга қайтариш керак. Бизга қандайдир, “подозрение” уйғотмоқда...” деб ўзлари кетворишди. Шундан сўнг, мен кеч соати 6-00 гача оч-яланғоч суд залида судья хонимни кутиб ўтирдим. Соат 6-30лар чамаси эди, суд бошланди. Судья мендан нима учун келганимни ҳам, сўраб-суриштирмай, судини бошлаб юборди. Шунда судья, “бу – мардикор йигит экан-да” деб энг кам ойлик иш ҳаққи, 79 минг 800 сўм миқдорида жаримага тортиди. Шундан кейин, мен судья хонимга оғзаки равишда мурожаат қилдим. “Менинг ёнимда бир тийиним ҳам йўқ. Ўзим иш излаб, Тошкент шаҳрига келган бўлсам, қандай қилиб жаримани тўлайман?” десам, судья, “Ҳечқиси йўқ. Уйда ота-онанг бор. Ушалар ҳисобидан тўлайди. Биз эса, Сурхондарё вилояти “жиной ишлари бўйича суди”га, “Жаримани ундириш тўғрисида хат” юборамиз. Улар ўша жойда суд ижросини орқали, ундириб олишади” деб мени кеч соати 7-00да “Уч-Тепа” туман судининг биносидан чиқариб юборишди. Бўлган воқеа шу.

Ўзбекистон чегарасига олиб келиб, Қозоғистоннинг “томожня” ходимларига топширишган... Азамат куннинг изғирин совуқларига ишлаганидан қўл-оёқларини совуқ урган. Икки қўлоғи зирқираб оғрийди. Кечалари уйку бермайди. Даволаниш учун пулимиз йўқ. Укамнинг жойига ишлаш учун, мен Тошкент шаҳрига келдим. Бу ерда иш йўқ экан. “Уриқзор”да нима иш бўлса ҳам, ишлаб укамни даволатишим керак. Бўлмаса, у қўл-оёғидан айрилади... Уша учун одам савдоси билан шуғулланувчи фуқароларга нисбатан чора кўришни ва менга йўл кўрсатишни илтимос қилиб, “Мардикорлар касабаси уюшмаси”нинг раиси Нуриддин Жуманиязов ва Абдулло Тожибой ўғлига мурожаат қилгандим. Улар билан ҳозирги кунда телефон орқали боғланиб, ариза ва хатлар ёзишни маслаҳат бермоқдалар эди”.

Абдулла Тожибой ўғли ва Нуриддин Жуманиязовлар “Уриқзор” бозорида мана шу икки боланинг ишлари юзасидан боришганди. У ерда эса, уларни 5 нафар милиция ходими қўлларида “дубинка” билан кутиб олишганлар. Шундан сўнг, ҳеч гап-сўз йўқ, уларни тўғри “Уч-Тепа” тумани “жиной ишлари бўйича суди”га олиб боришган. У ерда эса, улар 12 соат атрофида ушлаб турилган. Шу вақтнинг ичиде Ўзбекистон Республикаси ИИБга қарашли бўлган, “Терроризмга қарши курашиш бўлими”нинг Тошкент шаҳар бошқарма вакили, БАХТИЁР (агар шу исм тўғри бўлса) билан ўзаро “мулоқот” бўлиб ўтган. Бу мулоқотда “Уриқзор” бозоридан олиб келинган, 30дан ошиқ, мардикор йигитлар ҳам қатнашган. Ҳар бир мардикорларга босим ўтказиб, Абдулла Тожибой ўғли ва Нуриддин Жуманиязовларга нисбатан қарши “тушунтириш хати” ёздириб олишган.

Шундан сўнг, суд бошланган. Судья ўзини таништирмаган. Улар нима ва қайси моддаларга асосланиб, суд қилинаётганликлари тўғрисида, ҳеч қандай кўрсатма бермаган. Прокурор суд ишида қатнашмаган. Абдулло Тожибой ўғли ва Нуриддин Жуманиязовларга нисбатан тўпланган хужжатлар, “протокол” расмийлаштирилмаган. Уларнинг иштирокида протоколда имзолар чекилмаган. Адвокат судда иштирок этмаган. Хулласи калом суд, “Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 194-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топиб, Абдулла Тожибой ўғли ва Нуриддин Жуманиязовларнинг ҳар бирларига энг кам иш ҳаққининг уч баробари ҳисобида, 220 (икки юзи йигирма минг сўм) миқдорида жаримга тортилсин...” деган мазмунда қарор ўқиб эшиттирилган...

Абдулла Тожибой ўғли, яқин кунлар ичиде, Ўзбекистон Республикаси ИИБ биноси олдида, “МИЛИЦИЯ КИМ БУ?” деган мазмунда пикет уюштиришини ва ИИБнинг ходимларига нисбатан чора кўришларини ва уларнинг ишдан олинишини талаб қилиб чиқишини очиқдан-очиқ судга айтган. Абдулла Тожибой ўғли бизга айтган сўзига қараганда: “Мен Ўзбекистон Республикаси ИИБ Баҳодир Матлубов номига шикоят аризаси ёзаман. Уларга яъни, ИИБ ходимларига, нисбатан босим ўтказаман. Қўлимдаги телефонимни тортиб олганлиги учун, ўша “терроризмга қарши курашиш бўлими”нинг вакили, “БАХТИ-ВАХТИ”сига нисбатан жиноий иш кўзгатаман. У киши жаноби олийлари полковник, унвонидан маҳрум қилиб, ИИВДан ишдан ҳайдатаман. Мен талаб қилиб чиқаманки, Худо хоҳласа! Иншоллоҳ! Уни бутунлай ИИВДан яъни, “миршаб”лик вазифасидан бўшатдираман...”

**Фахриддин Тиллаев**

## СУДДАН ОЛДИНГИ МИТИНГ

“Уриқзор” мардикор бозоридан Муस्ताқил Мардикорлар Ташкилотининг икки нафар аъзоси 2013 йили 09 март куни шу ташкилот фаоли Абдулла Тожибой ўғлига қўнғироқ қилибди. Шу пайт мен (Жуманиязов Нураддин) ҳам унга қўнғироқ қилган эдим. Биз келишиб, эрталаб соат 10 лардан ўтганда, “Уриқзор” мардикор бозорига етиб кедик.

Икки нафар мардикор бизга пешвоз чиқиб, уларга милиция ходимлари 80000 сўмдан жарима солганини айтдилар.

Жарима тўлов, қоғозларини ҳам бизга кўрсатдилар.

Биз бу актининг қанчалик қонуний эканини билиш учун, Учтепа туман ички ишлар бошқармаси бошлиғининг олди-га ўтиш учун кетаётган эдик, йўлимизни туман ИИБнинг формасиз хизматчилари тўсдилар. Улар бизни, биргаликда идорага ўтишимизни талаб қилдилар. Биз Туман ИИБ идорасига олиб келтиришди. Сўров ва суриштириш ишлари бошланиб кетди.

Бир зумда, ўзини Тошкент шаҳар ИИББ терроризмга қарши кураш бўлимининг

бошлиғиман деб танштираверадиган “Бахти” хизматчилари билан етиб келишди. Салдан кейин, Ички ишлар Вазирлигидан ҳам вакил пайдо бўлди.

Вақт ўтиб, туман ИИБнинг биз ўтирган қавати, яна бошқа идоралардан, турли хил вакиллар билан тўлиб кетди. Биз ҳеч қандай жиноятда айбланмасак-да, мардикор бозорида қилган ҳаракатимиз бўйича, тушунтириш хати ёзишни талаб қилдилар.

Биз бу талабларини рад қилдик. Тушунтириш хаги ёзишдан бош тортдик. Бизнинг қўлларимиздаги мобил телефонларимизни тортиб олишди.

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: боши олдинги саҳифада)

“Бахти” бошчилигидаги ҳокимият вакиллари, бизлар билан жуда кўпол муомалада гаплаша бошладилар. Яъни “Сизларга нима етишмайди?”, “Нон, ошларингни еб, уйларингда ўтираверсанглар бўлмайди?”, “Халқни чалғитаяпсизлар!”, “Уларга нима ҳам қилиб бера олардиларинг?!” ва ҳ.к.

Кутилмаганда, бизларни алоҳида-алоҳида кабинетларга ўтқизиб сўрок қилишни бошладилар.

“Бахти” мен билан шахсиятимга тегадиган тонда гаплаша бошлади.



## СУДДАН ОЛДИНГИ МИТИНГ

Яни, “Охирги марта сиз билан учрашганимизда, (Тошкент шаҳар ИИБош Бошқармасида) мен сизга нима деб эдим? Мен сизни, яна бир марта, мардикорларни бугунгидай йўлдан уриб, ёлғон-лишқ гаплар билан, ҳукуматимизга қарши қўйиб, халқнинг бошини айлантираётганингизни кўрсам, узоқ муддатга қаматиб юбораман демабмидим? Мана, энди мен шу ваъдани амалга ошираман! деди. Ва яна бошқа, ҳақоратли галарни ҳам айта бошлади.

Мен, “Бахти” ва ИИБ вакили кабинетда ўтирар эдик. Бир пайт коридорда, бозордаги мардикорлар пайдо бўла бошлади. Уларни транспортга ўтқизиб, бизга “қарши” кўрсатмалар бердириш учун олиб келинганлиги маълум бўлди. Мардикорларнинг уч-тўрт нафарини милиционерлар етакчилигида, тушунтириш хатини ёзишга мажбурлаб бошладилар. Мардикорларнинг қолган қисмини, милиция ходимлари коридор девори бўлаб, авайлаб саф торттириб бошладилар. Мен англадимки, иккаламизнинг устимиздан ҳукумат вакиллари нимадир уюштираяпти. Шунда мен коридорда турган 30 дан ошиқ мардикорлар гуруҳига мурожаат қилдим.

– Мени танийсизлами? – дедим.

– Таниймиз, – дедилар улар бир овоздан.

– Жуда яхши, – дедим. – Мана булар, ҳукумат вакиллари. Сизлардан менга қарши кўрсатмалар олмоқчи. Мен сизларга нима деб ва нимага тарғиб қилган бўлсам, шуларни тўғри ёзинглар. Шунда менга ҳам, сизларга ҳам яхши бўлади. Акс ҳолда, булар алдоқчи. Булардан ҳар нарсани кутса бўлади, – дедим.

– Биласизми, булар сизнинг айбингиз билан бу ерда турибдилар, – деди “Бахти”

– Буларни мен эмас, сиз олиб келгансиз, буларни тезда бозорига элтинг. Булар бугун ҳам оиласи учун пул ишласинлар, дедим.

Шу пайт, ички ишлар вазирлиги вакили, чидаб туrolмади шекилли, мардикорларга қарата гап бошлади.

– Биласизларми! Мустикаллимиз арафасида, Мухаммад Солиҳ деган шахс бор эди. У шу пайтларда ёшларнинг ва студентларнинг миясини айлантириб давлатимизга қарши тарғиботлар қилган. Студентлар билан кўп ёмон ишлар қилган. Ҳозир эса у чет давлатда юрибди. У, бугун ҳам мамлакатимиз шаънига мағзава сепаяпти. Чет элларнинг нопок кучлари билан тил бириктираяпти. Мамлакатимизга қарши хийла найранглар қилаяпти.

У, мамлакатимизни, халқимизни кўра олмайдиган одамлардан. Ман бу шахс эса, Мухаммад Солиҳнинг пайтаваси.

“Бахти” ҳам “бўш” келмади:

– Мана бу киши, сизлар туғрингизда маълумот йиғиб, уларни чет элларга юбориб, пул ишляпти. Бунинг мақсади пул ишлаш. Бу кишидан узоқ юринглар, бу киши алдақчи. Аризаларингни олиб, ҳеч нарса қилмайди. Бу ишлар сизларни, ҳукуматни ёмон кўрстиш учун қилинаётган нарсасидир. Мана сизлар берган аризалардан бири. Бу қоғоз, бу жанобнинг чўнтагида юрибди. Бу киши бу ариза билан ҳеч нарса қилаётгани йўқ.

– Ўртоғлар, – дедим мен. – Бу Суюнов Эркиннинг менга берган аризаси. Булар бу қоғозни эргалаб қўлимдан тортиб олдилар. Унинг бу аризаси бўйича, Республика Прокротурасини, Олий Судни ишга солиб, иш берувчидан, ишлаган ҳақини ундириб берганмиз. Ишонмасанглар, эртага бозорда Суюнов Эркиндан бу тўғрида сўранглар.

– Мамлакатдаги ишсизликнинг сабаби мамлакатдан ташқарида юрган Мухаммад Солиҳ эмас, мамлакатни бошқаришни билмаётган расмий ҳукуматдир, демокчи бўлаётганимизда, “Бахти” коридор эшигини секин бекитиб қўйди. Кабинетда яна учаламиз қолдик. Суддан олдин қилинган бу фавқулодда митингнинг хосияти, ёмонликка эканини тушундим. Бу митингга негадир Абдулла Тожибой ўғлини таклиф қилмаган эдилар.

– Мана энди нима бўлди? Энди оқибат ёмон бўлади, – деди “Бахти”

– Бу мамлакатнинг сизга нимаси ёқмайди? Тинчлик бўлса, ўқувчиларга шароит қилинган бўлса, нафақахўрлар ўз вақтида нафақаларини олаётган бўлса, фуқароларнинг тўй маракаларига ёрдам кўрсатилаётган бўлса, ҳатто солдатлар хизматларидан уйига қайтаётганда, уйланиш пулини олиб кетишяптган бўлса, бу ҳукуматнинг яхшилиги эмасми? – деди ИИБ вакили. Ҳукуматнинг, яна бир қанча бошқа, “афзалликларини” менга пеш қилиб ташлади. Менинг бу чўпчакларга муносабатим бошқачароқ эканини билди шекилли, мактовни тўхтатди. “Бахти” ҳам мардикорлар ҳам соат 16-00 дан кейин атрофимизда кўринмади.

Менга, туман ички ишлар бошқармаси состави, куни билан бағамом бизларнинг “жиноятимиз” билан шуғулланаётгандай туюларди. Бизлар идорага эрталабки соат 10-30да келтирилган бўлсак, кечкурун

соат 23 да, судга чақиртирилдик. Судга биз ва милиция ходимлари тўда бўлиб ўтирдик. Милиция ходиларидан, кимдир егулик кўтариб келди. Қорнимиз ҳам очикқан экан, борига шкур қилиб, иштаха билан еб олдик.

Милиция ходимлари билан, эркин мавзуда суҳбат борди. Суҳбадан маълум бўлдики, улар ҳам мамлакатда кечаётган зулм сиёсатини тушунар экан. “Биз солдатмиз. Нимани буюрса, шуни бажарамиз. Бирор нарса дейишга ожизмиз”, деган гапни кўп гапирдилар. Биз Каримовнинг тахтдан тезда кетишини ҳам айтдик. Улар, бу маълумотимизни оғриқсиз ва жим қабул қилдилар. Ниҳоят, кечки соат 23 да, судга чақиринди. Суд залига, бир тўда милиция ходимлари назорати остида етказишди. Суд бошланганидан 5 минут ўтар-ўтмас, биров суд залига кириб келди. Судьяга, шивирлаб бир нима деди. Нафақат туман ИИБда иш боргани, юқори инстанцияларда ҳам иш боргани маълум бўлди.

Судья 5 минут танафус эълон қилгач, биз яна соат 23 яримда суд залига кириб келдик. Суд қисқа бўлди. Мендан ва Абдилло Тожибой ўғлидан нима содир бўлганини айтиб беришни сўради. Айтиб бердик. “Яна мардикорларнинг тушунтириш хатлари ҳам бор” деб бир хатни ўқиб берди. Хатнинг мазмуни: “Мен, бу икки шахс, мардикорларни қасаб уюшмага аъзо бўлишни тарғиб қилган эдилар. Уюшмага аъзо бўлган фуқароларни милиция босимидан, иш берувчининг ҳақ бермаслик ҳолатларидан ва бошқа зулмлардан ҳимоя қилажакларини баён қилдилар. Мен аъзо бўлмадим. Имзо”

Бундай хатлардан, делода 25-30 та эди. Мен мардикорларнинг, биз тўғримизда ёмон ва ёлғон ёзмаганларига ишондим. Судья, суд қарорини эълон қилди. Суд қароридан Мен ва Абдилло Тожибой ўғли мамурий кодекснинг 194-, 195-моддаси билан, жорий минимал маошнинг уч барбари микдоридан, жаримага тортилганлигимиз ҳукм қилинган эди. Бу моддаларнинг мазмуни, фуқароларига, ҳокимият вакилларига бўйсунмаганлиги учун бериладиган жазо.

Суд қарори биз ўйлагандек, ҳаддан ошган ва қаттиқ эмас эканидан, андак ҳайрон қолдик. Чунки маъмурий ҳуқуқбузарлик жазосини ўтаб ва йил давомида шу қондани такрор бузган шахс, албатта янада қаттароқ жазога маҳкум қилинади. Бизнинг тасодиф айнан шунинг ўзи эди.

Бунинг сабабларини мен режимнинг халқ вакиллари айлалаб, ўзини ўзи оқлаш принципларидан излайман.

– Яъни, бу дегани, юқори бошқарув звено эгалари, Каримов бошқарувнинг буйруқбозлик усулларига ишонмайдилар. Чунки, режим эгасининг, бошқарув усуллари, аллақачон ўз ресурсларини йўқотган. Яъни Каримов, ўзининг “ҳолис” хизматчиларини бўлажак кучли ижтимоий (зилзила) ўзгариш оқибатларидан, жазоларидан қутқара олмайди. Шунинг учун, арбоблар, ёмондан узоқ юрган яхшироқ принцинга амал қилаётганга ўхшайди. Чунки, мамлакатда, халқ кутаётган қатта ўзгаришлар, албатта амалга ошажак. ИшоАллоҳ.

Нуриддин Жуманиёзов.  
ЭРК ДП аъзоси.



Ўзбекистон давлати ва унинг халқи хозирги кунларга келиб жуда чуқур инкирозга юз тутган. Бу ҳолни давлатимиз расман тан олмайди. Йигирма йилдан бери бу юрт аҳлининг ҳаёти кун сайин, ойдан ойгача ва йилдан йилга яхшиланиш ўрнига, тобора ёмонлашиб бормоқда. Бу орқага кетишни ҳукумат яшириш мақсадида, давлатни ривожланаётгандек қилиб кўрсатиш мақсадида, сўз эркинлигига расман рухсат бергани билан, амалда унга таъқиқ ўрнатган. Оммавий Ахборот Воситалари вазиятни таҳлил қилиш, иқтисодий ислохотлар учун ечимлар излаш ўрнига ҳукумат тепасида ўтирган президентни кўкларга кўтариб мақташ билан овера. Хўш, бу билан нимага эришилмоқчи ва наҳотки ўз давлатини бошқариб келаётган президент Ислоҳ Каримов ўз обрўсини ўзи тўқиб давлатни инкирозини истаётган бўлса? Бу саволга “йўқ” деб жавоб берсак тўғри бўлади. Биз бу ерда президентни мақтамоқчи эмасмиз. Вазиятга оқилона жавоб излашга ҳаракат қилаёلمиз холос.

Аввалам бор президент ҳукумат тепасига алдов усулларини қўллаб келди. У ўзини иқтидорда қолдириш учун сўз эркинлигини чеклади. Оммавий Ахборот Воситаларига цензура ўрнатди, у юргизиётган сиёсатни танқид қила оладиган халқимиз вакиллари, унинг лидерларини турмаларга ташлади, Ватандан қувғин қилди. Ўзбекистонда эркин сўз бағамом чекланди.

Сайловлар бўлди ва унда ҳукуматга, унинг сиёсатига қарши бирор сўз айта олмайдиган савияси паст, амалпараст одамлар танланди, ҳамда уларга овоз беришга халқ мажбурланди. Овоз берилмаганда эса, овозларни сохталаштириш амалиётлари қўлланилди. Шу аснода президент ўз позициясини мустаҳкамлаб олиб, энди унга қарши гапирадиган, ишига тўқсинлик қила оладиган одамлар йўқ ҳисобига келтирилди. Унинг командасида эса ўзига ўхшаган йирткичларгина қолмоқда холос.

Ҳозирги Ўзбекистонни барча йирик тармоқларини президентнинг одамлари бошқариб келяпти, ким бўлишидан қатъий назар президентга яқин ёки узок, қайси йирик тармоқни олманг, у ҳукуматга қарайди. Яъни президентга ва унинг атрофида айланаётган “сунъий йўлдошларига”, ҳамда кланларга. Агар тармоқлар шу структурага хизмат қилмаса, у мажбуран эгасидан тортиб олиниб мулки мусодара этилади. Бунда асосий жонбозликни сўнги йилларда президентнинг тўнғич қизи Гугуша кўрсатмоқда. Тортиб олиш ва эгалик қилиш унинг асосий юмушига айланган.

Юқорида “давлатни инкирозга юз тутганини президент истамаган эди” дедик. Ҳа, у инкироз бўлишини бошида истамаган эди,

## АСЛИДА СИЗ ВА БИЗ ХЎЖАЙИНМИЗ ЎЗ ШАҲРИМИЗГА, ҲОКИМ Ё ПРЕЗИДЕНТ ЭМАС!

лекин унинг юргизаётган сиёсатини таҳлил қиладиган, унга Ватанимизда бўлаётган ишларни рўйи-рост айтадиган структураларни йўқ қилинганлиги шундай шароитни юзага келтирдик, энди бу шароитни ўзгартириб бўлмаслигига ва Каримов ўзи қурган бу система номақбул эканлигига ҳам ақли етиб қолди. Шу билан бирга бу вазиятни келгусида ҳам ўнглаб бўлмаслигини у тушуниб турибди. Ўзи қўйган тузоққа ўзи тушиб қолганлигини секин-аста Ислоҳ Каримовнинг ўзига ҳам маълум бўла бошлади.

Бундай шароитда қандай йўл тутилаяпти? Албатта йигирма йилдан бери бўлиб келаётган ишларни бажаришда давом этилади ва у янада кучайтириб борилади. Яъни давлатни табиий бойликларини ўзлаштириш, халқимиз пешона тери билан топаётган моддий неъматларни тортиб олиш, Ватанимизни талон-тарож қилиш. Кўриб турганимиздек давлатимиз талон-тарож қилиб бўлинди, ишлаётган заводлар майдалаб сотилди, йўқ қилинди ва энди эса навбат дарахтларга келди. Юз йиллик чинор дарахтларимиз кесилиб қаерларга олиб кетилгани ва кимларга сотилгани ҳозиргача маълум эмас.

Баъзи кишиларимиз “Ватанимиз ривожланаяпти, мана масалан автомобиль заводимиз бор, дунё андозаларидаги автомобиллар ишлаб чиқарилаяпти, шунга ўхшаш яна бошқа қўшма корхоналар қурилаяпти” дея Каримов сиёсатини оқлашлари мумкин деган балки, лекин бундай фикрдаги кишиларга айтмоқчиманки, шу қурилаяпган корхоналар ва унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аввалам бор халқимиз учун сифатсиз қилиб ва нархи дунё биржа бозорларидаги нархларидан икки баробар қиммат нархда халқимизга сотилаётганини инкор қилиб кўрингчи.

Мисол учун ўзимизни автомобиль заводимизда ишлаб чиқарилаётган “Нексия” автомобиллари Ўзбекистонда сифати қанақа ва неча пул туради ва худди шу автомобиль Россия бозорида қандай сифатга эга ва қиммати қанча. Тафовут: бизда улар икки баробарига қиммат! Россиядан ёки бошқа мамлакатларнинг арзон сифатли маҳсулотларини у автомобиль бўладими ёки бошқа маҳсулот бўладими, уларни Ўзбекистонга олиб кириш таъқиқланган ёки божхона тўловлари мисли кўрилмаган даражада банд. Бу халқимизни тўнашинг яна бир усули. Ватанимиз табиий бойликлари ўзимизга берилмасдан, чет элларга сотилмоқда, ваҳоланки ушбу бойликларда мамлакатимиз фуқароларининг ҳар бирининг ўз улуши бор. Бу талон-тарож механизмлари давлат структуралари орқали бошқарилади, яъни халқро банк муносабатлари билан маблағлари президентнинг айтган ҳисоб рақамига тушади. Энди халқимизни янгича тўнаш механизмларига алоҳида тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Бу механизмлар борган сари тақомиллаштириб борилаяпти. Мана, масалан: 2009 йилнинг июль ойида Наманган шаҳрига борган И.Каримов ваъз айтиб “Наманган шаҳрини Фарғона водийсини пойтахтига айлантирамиз” дея вазифалар белгилади ва Тошкентда 2009 йил 6 август санаси билан ПК-1170-сонли қарорни имзолади. Қарор матни фақат рус тилида бўлиб қуйидаги

линкларда танишишингиз мумкин [lex.uz](http://lex.uz)

Ушбу қарорда белгиланган вазифалар Наманган шаҳри кўринишини тубдан янгилаш, ижтимоий инфратузилмаларни, шаҳар муҳандислик коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва шулар асосида халқимизга муносиб турмуш даражасини яратишни кузда тутган бўлиб, албатта юзак қараганда, бу халқимизни эзгу ниятларини амалга оширини кўзда тутган қарор деб қараш мумкин бўларди. Амалда нима бўлди? Биринчи навбатда шаҳримиз кўрмага кўрк қўшиб турган, Советлар даврида малакали муҳандислар иштирокида қурилган бинолар бузила бошланди. Булардан бири Наманган шаҳри марказида жойлашган “Наманган” меҳмонхонаси, Чорсу мавзесида жойлашган “Сафо-марва” савдо уйи, Нодим Намангоний кўчасида жойлашган Совет даврида қурилган ҳозирги “Ўзбекистон Миллий банки” биноси, ва шунга ўхшаш бинолар йўқ қилинаёпти. Бундан ташқари Бобуршоҳ кўчасида жойлашган одамлар истикомат қилаётган уйлар бузилиб, уларда яшаб турган аҳоли далаларга қўчирилиб, ўрнига сифатсиз тўрт қаватлик уйлар ва икки қаватли коттежлар барпо этилди.

Ҳозирги кунда ушбу турт қаватли уйлардаги квартираларни баҳоси юз миллион сўмдан ошиқроқ нархда мажбуран сотилмоқда. Сифатсиз коттежларни қандай қурилганидан хабари йўқ фуқароларимиз баъзилари сотиб олганларига пушаймон бўлаётганлари ҳам йўқ эмас. Бундан ташқари, бу уйлар қатта-қатта маблағи бор одамларга, давлат ташкилотларининг қатта амалдорлари учун “мажбурий-ихтиёрий” деган атама чиқарилган. Бундай шахслар бизнинг Ўзбекистонда шу атама билан сотиб олишга, ихтиёр қилишга мажбурланмоқда. Шунингдек, дастур буйича бундай коттежлар коммуникациялар билан таъминланган бўлиши керак эди. Коммуникациялар бор, лекин улардан фойдаланиб бўлмайди, баъзисида газ йўқ, баъзисида канализация, охириги кунларда электр энергияси таъминотида мисли кўрилмаган даражада узилишлар содир бўлмоқда.

Президент ташрифидан кейин асосий кўзга ташланган ўзгаришлар бу шаҳримиз кўрмага кўрк қўшиб турган юз йиллик, таъкидлаб ўтаман, икки-уч одамни қулочига сизгамайидиган ЮЗ ИИЛЛИК чинор дарахтлари таг-томири кесиб йўқ қилинди. Шу билан бирга шаҳримиз марказида жойлашган Бобур номи маданият ва истироҳат боғидаги азим чинорлар йўқ қилиниб (боғни ўзи ҳам такрорланмас чиройга эга эди) янгича усулда қурилишлар амалга оширилиб қайта таъмирланди. Ўзи шундоқ ҳам яхши турган нарсаларни “яхшилашга” нима ҳожат эди? Аслида бунинг замирида бошқа сисёат ётади. Ушбу янгиланишлар қарорда зикр қилинганидек, вилоят ҳокими лавозимини вақтинча эгаллаб турган Б.Т. Юсупов ва шаҳар ҳокими И.Д.Ботировлар бошчилигида амалга оширилди.

Дарахтлар кесиб ташлангандан сўнг И.Д.Ботировга нисбатан жинорий иш кўзгатилади, бу ҳақида шаҳарда анча мишмишлар тарқалди. Гуёки дарахтлар кесилишида фақатгина шу ҳоким айбдордек.

*(Давоми боши кейинги саҳифада)*



## ОРЗУ БОЗОРИ САВДОГАРЛАРИНИНГ ОРЗУСИ ҲАМОН ОРЗУЛИГИЧА ҚОЛАЯПДИ

Қарши шаҳридаги “Орзу” бозорининг ёпилиши ва унинг ортидан мингдан ортиқ савдогарларнинг ишсиз ва доромадсиз қолганликлари ҳақида илгари ҳам маълумот берган эдик. Бу бозор Қарши шаҳар ҳокимининг 13 февраль 2013 йилдаги Х-107/2 сонли қарорига мувофиқ реконструкция қилиниши муносабати билан вақтинча фаолиятини тўхтатган. Аммо ҳокимнинг бу қарори пулларидан ва бозордаги савдо ўринларидан ажралиб қолаётган савдогарларни кўнглига таскин бўлмапти. Савдогарлар эса ҳали-ҳамон бозор атрофида куймаланиб юришларига нўқта қўйилгани ҳам йўқ.

Қашқарё вилоят телевидениясининг “Очиқ мулоқот” дастури 9 март кунда айна мавзунини кўтариб чиқди. Кечки (20:30) вақтда эфирга узатилинадиган бу дастурни вилоятда кўпчилик томошо қила олади. Уни вилоят телевидениясининг фаол журналистларидан бири Санобар Бойматова олиб борди.

Унда шаҳар ва вилоят ҳокимлиги вакиллари, Қарши шаҳар солиқ б о ш қ а р м а с и д а н , с а н и т а р и я -эпидиология станцияси вакиллари, ҳамда “Орзу” бозори ижрочи директор Бахтиёр Тошев ҳам қатнашди.

Кўрсатувда “Орзу” бозори муаммосига анча ойдинлик киритилди. Яъни, маҳаллий ҳокимият нима сабабдан уни ёпишга қарор берганлиги. Унда бозор атрофи ва ичкарасидаги вазият кўрсатилиниб, иштирокчилар ундаги аҳволни баён этиб боришди.

Дарҳақиқат, бозорда ёнғин хавфсизлиги масаласида эҳтиёт чоралари кўрилмаган. Биз ҳам илгариги мақоламизда масаланинг бу қиррасини айтиб ўтганмиз: [uz.hrsu.org](http://uz.hrsu.org) Бозор ҳовлиси ичкарасида бирор қор-ҳол рўй бергудек бўлса унда на ўт ўчириш хизмати машиналари ва на Фавқулдда ҳолатлар инспекцияси машиналари эркин ҳаракатлана олмайди.

Телетомошобинлар тагин бозорда ноқонуний қурилганлиги айтилаётган, ҳозирда бузиб ташланган биноларнинг қолдиқларини ҳам кўришди. Ачинарлик томони, айна мана шу 57 бинонинг ноқонуний барпо этилгани ва уларнинг 57 нафар савдогарга сотилгани бўлиб чиқаяпти. Уларни савдогарлар ўз пулларига харид қилишган! Кўриниб турганидек, бозор маъмуриятининг ўзи унинг ёпилиши учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиб берган.

Бозор атрофида давом этаётган, кўпроқ савдогарларни таҳликага солган вазиятга эса айнан мана шу жиҳатдан қараш керак бўлади. Сўнги йилларда бутун Ўзбекистонда бўлгани каби, Қарши шаҳрида ҳам кўпчилик савдога ўзини ургани кузатилинади. Аммо бунда ҳам маълум қонуний ва маъмурий тартиблар мавжуд. Савдо ўринларига талабнинг кўплиги боисидан кимлардир, айниқса бозор маъмуриятининг ўзи бироз пул ишлаб олишга жазм қилган кўринади.



Бу ҳолатга аниқлик киритиб олиш мақсадида бозор ижрочи директори Бахтиёр Тошевнинг кўп телефони (+998915608998) бир неча бор кўнгирак қилдим, аммо телефонга ҳеч ким жавоб бермади. Бундай ўйлаб қаралса, бозор савдогарлари пулларига куйиб қоладиганга ўхшайди, ноқонуний дўконларни куриб сотган масъул шахслар жуда бўлмаса унинг қийматини савдогарларга қайтаришармикан? Бундан ташқари уларнинг кўраётган моддий ва маънавий зарарларичи? Шу каби саволлар телемулоқотда ҳам очиқ қолди. Яъни, аниқ бир жавоб ҳозирча йўқ! Унинг ёпилиб қайта реконструкция қилиниши учун қарор қабул қилинишига ўтган йилнинг 17-18 декабрь кунларида 5 та дўконнинг ёниб кетгани сабаб бўлганлиги айтилмоқда.

Теледастур давомида очиқдан очиқ савол-жавоблар қилиш имкони ҳам яратилди. Бунда асосан бозорда пулларига “куйиб қолган” тадбиркорлар телефон орқалик савол беришар, масъуллар эса уларнинг саволларига жавоб қайтаришарди.

Савдогарларнинг кўпи ҳали савдо қилишмаган бўлишсада, лекин бир ойлик солиқ туловини амалга оширишганликларини айтишди. Бу 600 минг сўмдан ортиқ суммани ташкил этади. Кўпчилик бозорда ярим ой савдо қилиб, бир ойлик солиқларни олдиндан тўлаб қўйишган.

Савдогарлардан бири ўз ташвишини изҳор қиларкан, дўкон сотиб олганлигини, эндиликда эса бу дўкон ноқонуний топилиб бузиб юборилганлигини келтириб ўтди.

“Менинг 5 нафар фарзандим бор, дўкон беришадими ёки йўқ, буни билмайман”, — дейди у. Телемулоқотда иштирок этаётган “Орзу” бозори ижрочи директори Бахтиёр Тошев “йўқ” дегандай жавоб қилди. Вилоят ҳокимлигидан қатнашган вакил эса унинг дўкон билан таъминланишини қатъий оҳангда таъкидлади. Шундагина Бахтиёр Тошев ҳам иккинчи қаватда жойлашган дўконлардан бирини беришини ваъда қилди.

Лекин савол туғилади: “Орзу” бозорининг иккинчи қаватидаги дўконларнинг ҳаммаси эгалик бўлса, унда бозорқўм нимани ваъда қилаяпти экан? Ҳозирча бозор ёпиқ, таъмир ишлари давом этапти, телемулоқотда маҳаллий ҳокимият вакилларида тузилган комиссия 14 март кун бозорни бориб кўришларини ва бозор талабга жавоб берса уни очилишига рухсат беришларини, акс ҳолда камчиликлар бартараф этилмагунигача уни очмасликни ўқдириб ўтишди. Шундан қилиб Қаршидаги “Орзу” бозорининг очилиши ҳамон унда ишлайдиган савдогарларнинг орзуси бўлиб қолапти.

Гулшан Қораева

## АСЛИДА СИЗ ВА БИЗ ХЎЖАЙИНМИЗ ЎЗ ШАҲРИМИЗГА, ҲОКИМ Ё ПРЕЗИДЕНТ ЭМАС!

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Айни кунларда Наманган шаҳри марказида жойлашган “марказий Чорсу дехқон бозори” ҳам бузиб ташланган, ўрнига архитектурада саводи йўқ мутахассислар тузган проектлар асосида бир-икки бино қад кўтармоқда, ташқарида мойбон тагида жойлашган савдо ўринлари ҳам бузиб ташланиб, уларнинг ўрнига тўртта усти ёпик соябон — бостирма қурилиб, ёмғир, қор ёғса бостирма четларида ўтирган савдогарларга ноқулайликлар туғдирапти. Савдогарларнинг кўпи эса бу бозорда дехқончилик маҳсулотлари билан савдо қилади ва улар кўчаларда, ерда савдо қилишга мажбур бўлишмоқда, уларни милиция ходимлари холи-жонига қўймай рейд ўтказиб ҳайдаб ҳам туришади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу ишларни замирида бошқа сиёсат ётибди. Хўш бу қандай сиёсат? Сиёсат бўлиб одамлар манфаатини кўзлайдиган сиёсат ҳам эмас, балки уларни таъкиб қиладиган сиёсатдир. Фарғона водийси бўйича Наманган вилояти энг бой одамлар яшайдиган вилоят ҳисобланар экан. Бунга бошқа вилоятдан келган меҳмонлар кўп иқдор бўлишади. Биргина мисол, Фарғона водийсидаги бошқа вилоятлари кўчаларида камроқ уч-

райдиган, яқин ўтган даврда чикқан “Малибу” русулни автомобиль Наманган шаҳрида кўпроқ экан. Вилоятимизнинг бойлиги, халқнинг қўлида йиғилиб қолган пулни сарф этшга мажбурлаш сиёсатидир бу! Асосий қурилиш материалларини: цемент, шифер, ойна, ишлаб чиқарувчи заводлар президент “сулоласига” қарайди. Уларга савдоси юриши учун кўпроқ қурилишлар бўлиши керак, янги қурилган қурилган бинолар эса мажбуран бўлса ҳам катта пулларга сотилиши лозим. Мана сизга бўлаётган сиёсат-даромад манбаи! Кишиларимиз бу бўлаётган ўзгаришларни давлатимиз ривожланишига йўйишади. Уларнинг фикрлашича: “Мана қурилишлар бўлапти, давлатимиз кучли, бундан кейин ҳаётимиз янада яхши бўлиб кетади!”

Шундай фикрли кишиларимизга таъкидлаб айтаманки: бу бўлаётган ўзгаришлар сизларнинг манфаатингиз учун бўлмапти! Шаҳрингизни улар “обод қиладиганида”, биноларингизни бузаётганда, дароҳларингизни кесаётганда, шаҳардаги барча биноларни бир хил қилиб, сарик рангга бўяётганда сиздан сўрашадими? Аслида сиз ва биз хўжайинмиз бизнинг шаҳарларимизга, ҳокимлар ёки президент эмас!

Илҳом Мамедов: Наманган шаҳри.

Ўзбекистон телевидениесининг хабаридан маълум бўлишича, Тошкент Ислом университетида шарқшунос олимлар, таниқли дин «уламолари», мазкур ўқув даргоҳининг ўқитувчилари, талабалари ҳамда бошларига бир парчадан шарф ташлаб олган аллақандай «олима» аёллар иштирокида «Ислом динида мазҳаблар» мавзuidaги илмий-назарий семинар бўлиб ўтган.



Энди кўрсатувни олиб бораётган мухбирнинг мана бу сўзларига аҳамият берсангиз, ўтказилган семинарнинг фитна йиғини эканига ўзингиз ҳам иқдор бўласиз:

«Халқимизни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашда умуминсоний кадриятлар қатори Ислом ахлоқи асосларини замон талаблари даражасида тушунтириш ва айрим ғайриисломий оқимлар ғояларининг зарарли оқибатларини фош этувчи

## «ДИН НИҚОБИ ОСТИДА» ДИНГА ҚАРШИ КУРАШ

Анжуманда Ислом динидаги мазҳаблар, диний бағрикенглик масалалари, суннийлик ва шиаликнинг тарихий илдизлари, ҳанафийликнинг мўътадил мазҳаб эканлиги мавзуларида маърузалар тингланган.

Худди шу куни ўзбек телевидениеси «Зиё» деб номланувчи яна бошқа бир кўрсатувни ҳам намойиш этди. Бу кўрсатув ҳам мазкур анжуманга бағишланган бўлиб, унда яна мазҳаблар масаласи, ҳанафийлик ягона энг улуг мазҳаб экани асосий мавзу қилиб олинган. Ҳар икки кўрсатувни кузатар эканмиз, мазкур семинардан кўзланган мақсад нимадан иборат бўлганини аниқ айтиш мумкин бўлади. Лўнда қилиб гапирадиган бўлсак, бу тадбир Исломни динга қарши сиёсат занжирлари билан яна ҳам қаттиқроқ ўраб ташлаш, жамиятда мавжуд ҳар қандай фикр, куч ва ҳаракатни битта нуқтага – Каримов фикрига бўйсундириш йўлидаги навбатдаги уринишлардан бири бўлди.

Семинар иштирокчиларининг сўзларига бир оз қулоқ берамиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Анвар Турсунов гапирди:

«Ёр юзидаги асосий мусулмонларнинг қарийиб ярми имоми Аъзам Ҳанафий мазҳабларида этикодда бўладилар. Мустақиллигимизни илк йилларида хорижий мамлакатлардан келган баъзи бир шахслар ва шу жумладан хорижий мамлакатлардан келган адабиётлар мўмин-мусулмонларимизни ўрталарида, хусусан, энди дин тушунчасини олаётган ёшларимизга катта таъсири бўлди».

Дарҳақиқат, муфтий бошлиқ диний идора ходимларининг хайбарақалласи остида орган ходимлари жуда кўп тафсир, ҳадис ва бошқа диний китобларни ваҳҳобийликка даъват қилади, деган баҳона билан ўқишдан манъ қилдилар, мусулмонларнинг уйларида олиб кетиб,

мусодара этдилар. Ҳолбуки, бу китобларнинг жуда кўпчилигини диний идора ходимларининг ўзлари четдан келтириб, халққа сотганлар ёки тарқатганлар. Хозирда эса, чегаралардан исломий китобларнинг хар қандай турини ўтказиш таъқиқланган.

«Мана шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгаши барча жомеъ масжидларимизда имоҳатиблар орқали диёримиздаги мўмин-мусулмонларга узоқ асрлардан буён давом этиб келаётган имоми Аъзам Ҳанафий мазҳабларида бўлишлари кераклигини, шаръий масалаларда шу бағри кенг мазҳабга амал қилишлари лозимлигини, шунда ота-боболаримизни тўғри йўлларида юрган бўлишимизни тушунтирдилар».

Муфтий ханафийликнинг бағрикенглигини айтиб рост сўзлади. Бироқ, афсусланарли ери шундаки, у ҳам, ҳукумат ҳам бу мазҳабнинг бағри кенглигидан ўрнат ола билишмади. Аксинча, на динни ва на мазҳабни яхши тушунадиган одамлар наздида ханафийликни ҳам худди Каримовнинг зўравонлик сиёсатига ўхшаган мурасасиз бир мазҳаб экан-да, ўзидан бошқа мазҳабларга кун бермас экан-да, деган тасаввурга олиб келиб қўйишди. Қисқаси, бу буюк мазҳабни ҳам бузиб юборишди, оёқ ости қилишди, унда йўқ бидъатларни ҳаётга жорий қилишди (масалан, мазорпарастлик), у буюрган суннат ва фарз амалларни (соқол, хижоб, ишораи саббоба) ваҳҳобийлик дея қоралашди.

Ўзбекистон масжидларида ханафий мазҳабидан сал бошқачарок ибодат қилган кишилар, масалан «рафъул-ядайн» (намоз такбирларида икки қўлни елкага қадар кўтариш) қилган инсонлар эса экстремист, фундаменталист, деб тухмат қилинди, масжиддан хайдаб чиқарилди, қамоқларга ташланди.

нашрларни халқимизга етказиш шу куннинг долзарб мавзуси».

Мухбир биринчидан, Ислом динининг қадрини ерга уриб, уни умуминсоний кадриятлар қаторида турувчи бир таълимот, дея тушунтирмоқда. «Умуминсоний кадрият», деган нарсанинг доираси эса шунақа поёнсизки, унинг боши қаердаю охири қаерда эканини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди. Сиёсат майдонига келиб-кетаётган зўравон дохийлар ўйлаб топаётган ҳар қандай зарарли таълимот «умуминсоний кадриятлар» хазинасига қўшилган улкан ҳисса, деб талқин этилавериши оддий ҳол. «Умуминсоний кадриятларнинг» ичига яҳудийлигу буддавийлик ҳам, даҳрийлигу атеизм ҳам кириб кетаверади.

Иккинчидан, мухбир ғайриисломий оқимлар, деган иборани мутлақо ноўрин ва ноҳолислик билан қўлламоқда.

Чунки, бу кўрсатувда гап ханафий мазҳабининг устунлиги ва афзаллиги ҳақида кетаётган экан, демак ундан бошқа мазҳабларни журналист ғайриисломий оқимлар, деб атамоқда. Ёки бошқачарок айтиладиган бўлса, динда Ислом Каримов белгилаб берган чегарадан ташқаридан ўтадиган ҳар қандай исломий йўл ёки фикр жоҳил мухбирнинг даъвосига кўра ғайриисломийдир. Агар кўрсатувда мусулмон ёшларни йўлдан уриб, ўз домига тортиб кетаётган «Иегова шоҳидлари» ёки кришнавийлик ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтилганда эди, мухбирнинг ғайриисломий оқимлар, деган сўзини тушунса бўларди.

Яна жоҳилият мухбири гапирди: «Диний мутаассиблик билан курашиш чораларидан бири оммага зарур билимларни етказиш ҳисобланади. Диний жаҳолатга қарши кураш тажрибаларини шакллантириш, бу орқали эса динни ўзларига ниқоб қилиб олган баъзи гуруҳларнинг салбий таъсирини олдини олиш бугунги кун талабидир».

(Давоми кейинги бетда)

## «ДИН НИҚОБИ ОСТИДА» ДИНГА ҚАРШИ КУРАШ

(Давоми: Боши олиндинги саҳифада)

Демак, бугун ўтказилаётган йигининг вазифаси ҳам «динни ўзларига ниқоб қилиб олганлар»га қарши курашишдан иборат. Диний идора «уламолар» кенгашининг қарори билан Ўзбекистон масжидларида фақат ханафий мазҳаби бўйича ибодат қилишга буйруқ бўлган экан, демак ундан бошқа мазҳабларга амал қилмоқчи бўлганлар ёки Имом Бухорий хадисларида тарғиб қилинган «рафъул-ядайн»ни бажо қилишни хоҳлаганлар «динни ўзларига ниқоб қилиб олганлар» тоифасига кирар экан.

Семинарда иштирок этган «олима»лардан бири Ўзбекистон мусулмонлар идораси мутахассиси Муҳиба Хамидовадир. Унинг антиқа фикрлари мана бундай:

«Мазҳабимиздаги ахлоқ, одоб арконларига, ахкомларига итоат қилган ҳолда, мана шуни қалбига жо этган ҳолда амал қилса яхши бўларди».

Бошида на рўмоли ва на хижоби бўлган бу ғалати хотиннинг сўзларини эшитиб куласизми, қуясизми?

Бунинг назарида дин ва мазҳаб номидан насиҳат ўқиш учун телевизорга чиқаётган вақтда бошига бир парча оқ шарфни ташлаб олиш катта ахлоқ-одоб саналар экан.

Хижоб кийишни-ку бир четга қўйиб турайлик, аммо бу кишининг ақли бўйича, сал ўзбекча қилиб рўмол ўраш ё эса авратларини беркитиб юриш ҳам одоб ахлоққа зид бўлса керак.

Семинарда иштирок этаётган «исломий олима» аёлларнинг кўпи ана шундай энсақотар олифталик билан бошларига шарф ташлаб олишибди. Кўча-қўйда юрганда, ҳатто мана шу семинар тугаши биланоқ шу шарф ҳам улар учун оғирлик қилиб қолади. Таъбир жоиз бўлса, бу «урғочи шайтонлар»

Анвар қори, Раҳматилла қорилар билан бир даврага кириб олиб, Ислондан дарс беришмоқда.

Ҳа, Каримов ўзи суянган «уламолар»нинг кучлари ҳеч нарсага етмаслигини билганидан, майдонга бу аскар хотинларини ҳам туширган-да!

Шу куни семинар тугаганидан кейин телевидениеда бу тадбир ҳақида яна бир кўрсатув уюштирилди. Бу кўрсатувнинг номи «Зиё» деб аталса-да, у инсон қалбига анча-мунча қоронғуликни олиб қиради.

Кўрсатув асосан мазҳаблар ҳақида бўлади. Унда турли оқимлар пайдо бўлгани ҳақида гапирилади, тўрт мазҳаб тан олингани ҳақида айтилади. Мотуридий ва Ашъарий талимотлари ҳақида хабарлар берилиб, улар ҳам аҳли суннадан эканлиги уқтирилади.

Эслаб ўтиш лозимки, охирги йилларда ҳукумат ва имомлар фақат ханафий мазҳабини тан олишларини айтиб, бошқаларга қарши уруш олиб борганлари оқибатида ўн минглаб мусулмон қамокларга ташланди, юзлаб инсонлар ўлдирилди.

Бу жиноятлар жaxon хамжамиятида қаттиқ акс садолар берди, турли танқидларга сабаб бўлди. Шунинг учун бўлса керак ҳукумат мана шундай семинарлар уюштириш йўли билан гўёки ханафийликдан бошқа мазҳабларни ҳам тан олишини расман билдираётгандек.

Шу маънода ушбу кўрсатувда Абдулазиз Мансур фикр билдиради: «Аҳли сунна вал жамоъанинг эътиқодий масалаларида бу мазҳабларда ихтилоф йўқ. Аммо ояти қаримада аниқ кўрсатилмаган, ёки хадиси шарифларда аниқ белгилаб берилмаган баъзи масалалар ҳам борки, унда бизни шариатимиз шундай кенгчилик берганки, инсонда ақли, илми, тафаккурига ҳам мажол берган. Эрк, имкон берилганки, шуни ҳам ишга солсин».

Бирок, бу сўзлар қанийди давлат сиёсатида ҳам заррача акс этса. Бундай сўзлар фақат экранлар ва катта оғизлар учун мўлжалланган бўлиб, ҳаётда эса уларга бир кунга ҳам ўрин йўқ.

«Аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодий масалаларида бу мазҳабларда ихтилоф йўқ», бўлса нима учун амалда бошқа мазаҳабларга ўрин йўқ? Нима учун ҳали ҳам мусулмонларни ўзларининг хоҳишларига зид равишда ваҳҳобий, фундаменталист, экстремист деган сунъий фирқаларга ажратган ҳолда уларга қарши қонли кураш давом этмоқда?

«Зиё» кўрсатувида айтилган ғаройиб сўзлардан яна бири Ислон университетининг 2-курс талабаси Шоқир Шавкат ўғлига тегишли бўлди. У «Нисо» сурасининг 59-оятини ўқиб, уни янгича тафсир қилади. Талабанинг бу оятга берган «тафсирини» эътиборингизга хавола қилишдан олдин мазкур оят маъноларининг таржимасини келтирамиз.

Аллоҳ айтадики, «Эй иймон келтирган инсонлар, Аллоҳга итоат қилинглар, Расулга итоат қилинглар, ўзларингиздан бўлган раҳбарларга ҳам итоат қилинглар...»

Энди янги муфассирнинг сўзларига қулоқ тутинг:

«Ушбу оятнинг ҳукмига кўра ҳам диний, ҳам дунёвий раҳбарларга итоат этиш вожиб бўлади. Мусулмон киши бирор диний масала ҳусусида Куръони Карим ва хадиси шариф илмларини мукаммал билган мужтаҳид олимларга, янада очикроқ айтадиган бўлсак, мазҳабга амал қилишлиги вожиб бўлади».

Бу янги «муфассирчанинг» даъво-сига кўра, халқ ва дин ҳақида заррача кайғурмайдиган Ислон Каримовга ва унинг порахўр ҳокимларига итоат этиш фарз экан, Каримов чизиб берган янги тахрирдаги ханафий мазҳабида юришга ҳам Куръон буюрган экан.

Бирок, бу талаба Аллоҳнинг «ўзларингиздан бўлган раҳбарларга», деган сўздан мурод мусулмонлардан бўлган раҳбарлар эканини назарга илмаяпти.

Бу оятнинг мазмуни аслида ўзи Ислонга итоат қилган ҳолда жамият ва давлатни Аллоҳ ва Расулнинг сўзлари билан бошқараётган раҳбарларга итоат қилинглар, деганидир.

Мусулмонларни қамаб-ўлдираётган, Аллоҳ буюрган хижобга қарши қонун чиқарган, дин аҳлини ўқиш ва иш жойларидан, уй ва ватанларидан маҳрум қилаётган, «Мен раҳбар эканман, Ўзбекистонда ҳеч қачон исломий тартиб амал қилмайди!», деб очик айтадиган, уч мингдан ортик масжидни ёпган инсон қандай қилиб биздан бўла олади?

Бу инсоннинг яҳудийларга кенг имкониятлар яратиб қўйгани ҳолда Ислон ва мусулмонларга қарши душманлик сиёсатини юргизаётгани бутун дунё аҳлига маълум-ку!

Давлат амалга ошираётган жиноятларни яшириш ва ҳукмрон табақага мутельликни мустаҳкамлаш учун ҳар турли йиғин ва кўрсатувлар уюштирилиши табиий.

Бўлиб ўтган семинарнинг мазмун-моҳияти ҳам мана шу талаба айтаётган охирги иккита жумлада ўз ифодасини топган. Бунча ҳаракатлару шунча казо-казоларнинг узундан-узок маърузаларидан кўзланган мақсадни бу талаба қийналиб ўтирмасдан оппа-осон ва лўндагина қилиб айтиб қўя қолди.

Бирок, иш бу талаба айтганчалик ва давлат ўйлаётганчалик осон ва жўн эмас.

**Абдуллоҳ Алиев.**



## КАРИМОВ СИЁСАТИ «БИР БУРДА НОН» СИЁСАТИДИР (2)

Милиция таянч пунктлари, жамоатчилик назорат масканлари сиёсат тармоғида энг кичик субектлардир. Улар аҳолининг ижтимоий жойлашуви, хонадони, мулки, чорваси, фаолияти, оила аъзолари ҳақида маълумот йиғадилар ва доимо уларга бош эгиш ҳақида уқдириб келишади.

Халқ доимо қолипда яшайди, худди «харбий ҳолат» (войенная паложения) га ўхшайди ҳаётимиз, бир бурда нон учун нолиган заҳотингиз қочгани жой топилмай қолади.

Каримовнинг бундай «нон» сиёсатида «Овчи» ҳамда «Ўлжа» қатламини жорий этади, энди давлат ходимлари, мансабдор шахслар ҳам оддий халқ (ўлжалар) устидан ҳар қанча бўлсин «ов» қилишади. Бунда ижобий жиҳатлар ҳам ва у шундаки, улар бирлаша олишмайди. Бир-бирини бош эгаётганини кўрган фуқаролар бу ҳолатни «тинчлик» дея атайдилар, ёхуд улар хали қаршилик амалиётидан йироқдирлар.

Халқни оч тутиш ҳар қандай фаолиятда олиб борилади, маънавий, ҳуқуқий, моддий, илмий ва хоқозо. Ҳаётга дадил қадам ташлаётган ёш куч ҳар қандай ишга ўзини урмасин «нон» топиш масаласи қийин эканини ва бундай неъматга етишиш учун Каримовнинг «бир бурда нон» сиёсати этагидан тутиши, яъниким унинг қўлига қарам бўлиши лозим. Бу ўз ўзидан фақатгина тинмай иш қидириш ва ҳатто насиб этган ишида ҳам эшшакдай ишлашлик билан вақт ўтаверади.

Сиёсат эса ҳаёлининг бир четиди қолади. Эндигина зўрға эришган иш ўрни учун жиддий тиришади, ҳаёли эса фақатгина моддий таъминот йиғишдагина иборат бўлиб қолади.

Каримов кўлига қарашдан безор бўлганлар ўзларини хорижда урадилар, ҳар ҳолда у ерда ҳам кўлга қарашган тақдирда ҳам, ундаги бурда нон Каримов нонидан анчайин тўйимлироқдир. Айнан шу нон унинг бутун оиласи ва тўй маъракаси учун етарлик. Бироқ Каримов нони чи ?

Ҳар доим ҳар бир фуқаронинг ҳар бир фойдасидан давлат маълум ҳолатларда кенг фойда олаверади. Буни гоҳ зўрлик билан, гоҳида ўғрилик билан. Натижада давлат ҳар нарсани эгаси деган тушунчалар туғила бошлайди ва ҳамки инсонда давлат олдидаги кўрқув пайдо бўлади. Ҳар қандай ёвдан кўрқмаган халқ давлатидан кўрқади. Зулм ҳукмрон сиёсатда албатта зўравонлик биринчи даражалиқдир.

«Бир бурда нон» сиёсати

фуқароларни фақатгина моддий қашшоқ қилибгина қолмай, уларнинг оиласи, кийиниш услуби, фарзандлари сони ва тарбияси, хотин-қизларининг юриш туриши ва либоси, ҳаттоки оилавий масалаларгача аралашади. Ҳар бир қадами, ҳар бир нафаси учун жавобгарлик хиссига асир қилинади улар. Наслингача аралашган давлат, зурриётларингни туғилган «Туғдириш уйи» данок кўлга қаратишни бошлайди.

«Бир бурда нон» сиёсатининг яна бир тармоқларидан бири, омма учун ўз — ўзини юпатиш ва давлатга зиён етказишдан ўзини ва бошқаларни қайтариш учун келтириб чиқарилган ибора ва ҳикоялардир.

Давлат халқга қанча зулм этмасин, халқ бунга бардош беришда давом этаверади. Агар жуда оғир аҳволда қолса улар ўзларига, ёки шу аҳволдаги кишиларга «ҳали яхши бўлиб кетади», «бундан баттар бўлиши мумкин эди», «худо бир асради», «буни ҳам ҳикмати бор», «буларнинг бари синов», «бу дунё ўткинчидир», «сабр қилинг», «подшоҳлар, Аллохнинг ердаги сояси», «чуқур қил», «бир куним ўтиб турибдику» ва ҳоказолар ила ўзларини юпатадилар.

Давлат асосан бу услубда турли уламолар сўзлари, ҳадислар, миллий шукрона анъаналари, халқ мақолларидан, кўпинча диний меъёрлардан кенг унумли фойдаланади (аммо бундай услубда давлатга истиҳола этсангиз сиз «экстремист» никоби остида қоласиз).

Ажабланишингиз мункин аммо, давлат ҳатто шу нарсаларга ҳам эътибор қаратган. Бундай ибратли иборалар халқ орасига улар орасидаги «қулоқ» лар, ҳамда айрим диний киёфалилар орқали тарқатилиниб, йиллар давомида қонига сингдирилади.

Бундан мақсад давлат учун фуқаронинг фақатгина жисмоний куч билан қаршилигини барҳам бериш билан бирга унинг руҳиятида ҳам қарши бўлмаслигига эриши. Шу билан бирга ўзини, ҳамда бошқаларни бу йўлдан қайтариши учун хизмат қилишига эришиш кўзланади.

Бундан ташқари юқоридаги омага ахборот етказувчи тарғиботчи манбалар давлатдан кўрқишлиги, унга аралашлиқ катта муаммолар келтириб чиқаришлиги ҳақида тарғиб қилиши, омманинг кўрқувини оширадилар, ҳамда итоат қилишга чорлайверади.

Шундай экан, «Деворнинг ҳам қулоғи бор» ибораси бежизга эмас.



Бундан ташқари, халқ орасидаги миллий анъаналарни кенгайтиши учун давлат йўл очиб беради, Халқ қанчалик тўй ҳашамларида кўп сарф этса, шунчалик ишга, яъни кўлга кўпроқ қарайди. Шунинг учун ҳам оммавий танқид ишларини бажармайди. Ваҳоланки, хорижда ишлаётганларнинг аксарияти шу муаммо боис, меҳнат қиладилар. Мана давлатнинг башараси! Даромадинини сарҳисоб қиладию, қилган ва қилаётган сарфларинг билан иши йўқ. Қанчалик ночор бўлсанг шунчалик итоатлисан, қанчалик сарфинг кўп бўлса, шунчалик ишга муккангдан кетасан.

Ҳар шароитда, агарда бу шароит қонуний меъёрларга зид бўлган тақдирда ҳам давлат ўз фойдаси учун бу қонунларни четлаб ўтиш принцигига эгадир.

«Бир бурда нон» сиёсати ва унинг ижобий натижаларини қисман қиёсласак: Сиз агарда ўз оилангиз устун, ҳамда асосий таъминотчиси бўлсангиз, сиз ўз меъёрларингизни, ҳамда талабларингизни, қоидаларингизни ўрнатасиз.

Улар учун барча ижтимоий йўллари беркитасиз, натижада улар сизга шаксиз қарам бўлади, ҳамда қўлингизга қарайди. Қорин ғамида қош-қовоғингиз учун минг хил тусга киришади. Бу ҳолат хайвонлар устидан қилинган тажрибага асосланган ва шундан келиб чиқиб ҳам хулоса қилсак бўлади.

Агар сиз маълум тоифадаги хайвонот устидан эғалиқ қилсангиз, шаксиз улар емак ғами учун итоат этадилар. Агар уларни доим тўқ тутсангиз улар учун қизиқсиз шахсга айланасиз. Ҳатто хайвоншунос кишилар айнан емак баҳанаси остида ҳатто ёввойи ва йиртқич бўлган хайвонларни ҳам кўлга ўргатадилар.

Каримов яратадиган шартшароит фуқароларни энг қуйи табақага, фақирлик томон етаклайди. Фақирлар орасида эса «сен айтдинг, мен эшитмадим (маъноси: сен соқовсан, мен қарман)» қабилида яшовчилар талайгина бўлишади.

IYMON MUFASSAL

## МИЛЛАТНИНГ УСТУНИ БОТИР ВА ДОВЮРАК ЎҒЛОНЛАРДИР

Шеърда Чечен ҳалқининг қасоскорлиги ҳақида ёзилиб, бир ўғлининг қотилидан қасос олмагани учун, ота иккинчи ўғлини сўкиб, “Йўқол олдимдан, сен менга ўғил эмас, сен Чечен эмас, бўлганинг қари кампир, сен кулу, қўрқоғу, сен Армани”, деб ҳайдагани баён қилинган. Ҳа, Чеченларнинг қасоскорлигидан хабарим бор, уларнинг бир қанчаси билан мулоқотда бўлганман, тарихдан ўқиганман, иккитаси билан эса 1973 йили армия хизматини бирга ўтаганмиз.

Ҳикоямни бошлашдан аввал Курьондан оят келтираман. “(Эй мўминлар) сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилида озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бир оз афв қилинса (яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва чиройли суратда товон тўлаш лозимдир”. (Бақара сураси 2:178).

Изоҳ: Яъни, қотилнинг ўлдирилмасдан товон тўлашига рози бўлган тараф қўполлик қилмай, қўрқитмай кутиши, қотил тарафи эса чўзмасдан, хиёнат қилмасдан товонни тўлаши лозимдир.

«Бу (ҳукм) Парвардигорингиз томонидан енгиллик ва раҳм-шафқатдир. Бас, кимки шундан кейин хаддан ошса (масалан, товон тўлангандан кейин ҳам қотилни ўлдира), Шунинг учун аламли азоб бордир. “Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шоюд (жиноятлардан) саклансангизлар”. (Бақара сураси 2:179).

Изоҳ: Яъни, ҳар қандай киши қасос олинишини ўйлаб ўзини қотиллик қилишдан тияди. Демак, қотилдан қасос олиш ҳукми борлиги сабабли жуда қўп қотил ва мактул (ўлдирилувчи) бўлиши мумкин бўлган кишиларнинг ҳаёти сақланиб қолади.

Мана энди ҳикоямни бошлайман. Менинг отам ва амаким Эстонияда десантний войскада армия хизматида бўлишган. Улар парашютчининг ҳамма тайёргарлигидан ўтишган, кўшимчасига амаким боксер ҳам бўлган.

Амаким армиядан келганида, мен 1 синфда ўқир эдим, амаким боксчи қўлқопини бўйнимга илиб, сени боксер қиламан, дегани ханузгача ёдимда. Шу билан ёшлигимдан дадамни тарбиясини олдим, амакимдан қўп нарсаларни ўргандим, 8-9 синфларда ўқиган вақтимда, Фрунзе (Бишкек) шаҳридан келган узун бўйли, ориқдан келган бир кирғиз одамнинг тренерлигида бокс спортида қўп нарсаларни ўргандим, ҳаттоки пичоқни қандай аниқ нишонга отишларни ҳам ўргатди.

Унинг бир сўзи ёдимдан чиқмайди, “Ўрганганларинг то ўлгунингча қолади, уларни ёмонликка ишлатма, фақат ўзингни ва ожизларни ҳимоя қилишга ишлат”. Хуллас, 1973 йили армия сафига қақирилиб, Термез шаҳридаги армия бўлимида 3 ой тайёргарликда бўлдим. У жойда ўргатиладиган қўп нарсаларни мен олдиндан билар эдим.



Ана ўша жойларда, баъзи вақтларда Афғонистондан олиб ўтилган ўликларни кўрганман.

Энди тушинсам, бизнинг армияни Афғонистонга киришининг тайёргарлиги ўша вақтлардан бошланган экан. Кейин мени Германиянинг “Галли” шаҳри яқинидаги армия бўлимига жўнатишди. Армияга Фарғона шаҳрида, техникумда ўқиётган жойимдан кетганим учун, Ўзбекистондан ҳисобланар эдим. Командир сўради, “Ош, шашлик қилишни биласанми”, деб. Ҳа, деганимдан сўнг, 550 солдат ва 20 офицер овқатланадиган ошхонага бошлик этиб тайинлади ва “Қаттиқ тур, тартиб ўрнатиб, овқатларни яхшила. Бу жойда Ўрта Осиёдан сендан бошқа ҳеч ким йўқ, улар нақ Россиядан, сизларни босмачилар, одам ўлдирувчилар деб, кинолардан кўришган холос”, деб елкамга уриб қўйди (Командир бир вақтлари Тошкентда хизмат қилган экан).

Биринчи кун ошхонага киришим билан, тўрида чой ичиб ўтирган тўрт старик солдатлар “А вот салага молодой пришел” деб мазахсирашди. Шу захотиёқ стол устида турган оғир чойнак улар устига учди ва бир зумда тўртови столлар тагида думалашди. Белгилаб кетишим керакки, бу алоҳида бағалён бўлиб, энг кичик солдат ҳам, мендан бир қарич узун экан, баъзиларини эса ярмидан келамаман.

Бир зумда ошхонага нарядга ишлагани келган ҳамма 12 солдат тўпланди, 8 таси 6 ой, 1 йилдан хизмат ўтаганлар. Уларга “Мен бор эканман, бу жойда старик, молодой деган нарсаси бўлмайди, ҳамма тенг ишлайди ёки ўлдираман” деб огоҳлантирдим.

Шу билан ошхонада тартиб бошланди.

Бир – икки кундан кейин икки чечен солдат келиб, “Ўзимизнинг мусулмон келибсан” деб кучоқлашиб кўришишди. Бир қанча вақт суҳбатдан кейин, бир-биримиз учун ўлимга туришга ахдлашдик.

Шу билан хизмат бошланди, ошхона умуман бошқа тус олди, офицерлар учун алоҳида хона тайёрладим, уларга қарагани озгина оғрикчан бўлган Чеченни бирини олиб келдим. Овқатлар бўлса худди уйда ўшимизда тайёрланадиган овқатларга яқинлашди.

Хар сафар овқатланишдан сўнг, солдатлар “Браво Гапирич” деб туришадиган, офицерлар бўлса овқатланиб кейин уйларига кетишадиган бўлишди. Ҳаттоки, байрам ёки тугилган кунларида илтимос қилишиб уйларида хотинларига ёрдам бериб, овқат тайёрлаб стол тузаб беришни сўранишар эди.

Қисқаси, спортивка кийиб, белимга камар тақиб, унга штик нож осиб

олиб, хоҳлаган жойимга бир отиб санчиб шуғулланиб юрар эдим. Тахминан 2-3 ой ўтганидан сўнг, частда юрган яна бир Чеченни 4 солдат уришибди, у ётиб қолибди, деб хабар келди.

Шунда, кечки проверка вақтида майдонга ҳамма солдатлар тўпланишган ва 3 офицер проверка ўтказишаётганида, мен белимда штик нож билан тўғри чиқиб бордим ва “Эй герои, которые четверо побрили одного, выходи на середину, убью гадов” деб бақирдим.

Ҳамма ваҳимага тушиб қолди, офицерлар ялинишди. Умуман ўша куни ҳеч кимга уйқу бўлмади. Эртаси куни, Чеченни урганларни 1 ойга гаупвахтага жўнатишиб, мени тинчлантиришди. Шу кундан бошлаб, уч мусулмон 550 кофирни титратиб юриб армия хизматини адо этдик.

Чечен биродарларимнинг ҳикояларидан: Уларда эқоридаги қасос оятларга қаттиқ итоат этилар экан. Агар уларнинг бирор яқинларини биров ўлдириб қўйса, ўлдирилган тараф қасос олиб, албатта ўлдирганни ўлдиришар экан, кечирим бўлмас экан. Ҳаттоки, агар қасос олувчи эркак қолмаса (қасосга борганида уни ўзини ўлдириб қўйишса), қасосни аёллар олишар экан, ўлдирганга эрга тегиб бўлса ҳам уни ўлдиришар экан.

Россия-Чечен уруши ҳам, бир Чечен аёлини рус солдатлари зўрлаб қўйишганидан чиққан. Мана икки тарафдан қанча одамлар қирилиб кетишди-ки, Чеченлар таслим бўлишмади.

Мана сизга ҳалқ, мана сизга эркаклар, мана сизга мусулмонлар, улар хўрланиб яшагандан, ўлимни афзал кўришади. Улар билан ҳар қанча мағрурланса арзийди.

Энди, эқоридаги оятларни қайта ўқиб, мана шу ҳикояга солиштирсангиз, қасос олиш ибодатларнинг ибодати ҳисобланади. Мусулмон, фақат намоз ўқиш, рўза тутиш, мактаннишга ҳаж ва эҳсонлар қилиш билан мусулмон бўлмайди. Бунга далил: “Эй мўминлар, тўла ҳолдаги исломга қирингиз! (Яъни, исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз)! Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир” (Бақара 2:208).

Мана энди, ҳозирги кунда ўшдаги мусулмонман деб юрган эркакларнинг аҳволига бир қаранглар! Талон тарож қилинишиб, уйлари ёндирилиб, аёллари зўрланганлари ҳам, майли қолганимиз тинч бўлайлик, деб бош кўтариб юришибди, яна ўша ҳажикизлар ош қилишиб, чойхонадан чиқишмайди. Баъзилари эса, ҳамма ифлос ишларнинг бошида турган хароми мэр М.Мирзакматовнинг этагида намоз ўқишиб, к...ини ўпиб юришибди.

Мана сизга Чечен мусулмонлари-ю, мана сизга ўшлик мусулмонлар! Қайсиниси мусулмон, қайсиниси мунофик. Энди ўзингиз хулоса чиқаринг!

**Равшан Гапиров**

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси маркази  
“Адолатлик ва ҳақиқат”



# У.ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ВА АҚШ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР УЧУН “ЖАЗИРАМА-2013”НИ ТАЙЁРЛАЯПТИ

*Бугунги мақола мавзусига ўтишдан олдин, биз ўқувчиларимизга мурожаат этмоқчимиз. Биз бундай мурожаат этишга баъзи объектив ва субъектив сабабларга кўра мажбур-миз. Шундай қилиб...*

## Ўқувчиларга мурожаат

Ушбу мурожаатда биз ўз мақолаларимизни асосан Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) расмий сайтида эълон қилишимиз сабабларига тўхталмоқчимиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ўзининг асосий мақсади – каримов диктатурасини ағдарishi – билан бошқа муҳолиф гуруҳлардан фарқ қилади, ҳамда ушбу мақсад йўлидаги амалий қадамлари, Ўзбекистон аҳолиси орасида танилгани, ҳамда муҳолифат орасидаги бошқа, майда гуруҳларга хос ўзаро жанжалларга берилмаслиги билан ажралиб туради.

Иккинчидан, ЎХХнинг асосий мақсади – каримов диктатурасини ағдарishi – гуруҳимизнинг асосий мақсади билан уйғундир.

Учинчидан, ЎХХ сафларида, айниқса, унинг раҳбариятида моддий манфаатдан кўра маънавий қадриятларни устун қўювчи ҳақиқий ватанпарвар инсонлар жамланган. Улар ўз фаолиятида сиёсий конъюнктура ва моддий прагматизмга эмас, балки исломий ахлоқ принцип-ларига таяниши қувонарли ҳолдир.

Шу билан бирга, ЎХХ фаолиятида бир қатор жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. ЎХХ фаолиятининг биринчи ва энг муҳим камчилиги – бизнингча, Ислом Каримовнинг қаттол диктатурасига қарши курашда ҳаддан зиёд юмшоқ стратегиядир. Бугун, Каримов диктатураси ўзбек халқини ҳалокат ёқасига келтирган бир пайтда, режимга қарши умумий танқидий чиқишлар, ижтимоий тармоқларда тарафдорларни кўпайтириши ёки мамлакат ичкарисида варақалар тарқатиши билан чекланиб бўлмайди. Бундай вазиятда ЎХХдай жиддий муҳолиф гуруҳ қаттол Каримов диктатурасига қарши кўрқмасдан, яна-да кескин воситаларни қўллаши лозим.

ЎХХ фаолиятининг, унинг зоявий раҳнамоларининг яна бир камчилиги бу – ҳар нарсага ўз номи билан аташга журъатсизлиги ва Фарбнинг, айниқса АҚШ ҳукуматининг “кўнглини топши”га интилишидир. Бизнингча, ўз халқи озодлиги учун курашаётган кишилар бундай хавф-хатарлардан чўчимаглиги зарур, ҳамда, вақти келганда, масъулиятни ўз зиммасига олишдан кўрқмасликлар лозим. Барча ижтимоий текицирувлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ЎХХнинг вақти келди, у мамлакатдаги энг танилган, энг машҳур ҳаракатга айланиб улгурди.

Шуни ҳам тан олиши керакки, бизнинг аксил-Фарб, аксил-Америка, аксил-Исроил мазмундаги мақолаларимиз ЎХХ сайтида чоп этилиши асносида қисқартириши ва очиқчасига юмшатишларга

учради. Бу ҳақда гуруҳимиз ЎХХ сайти муҳарририга ва ҳатто Ҳаракат раҳбари Муҳаммад Солиҳга ўз норозилигимизни билдирганмиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ўқувчиларга мурожаат этиб, огоҳлантирмоқчимизки, бугунги ҳамда келгусидаги мақолаларимизни ЎХХ сайтига уни бирор тузатиши ва бошқа цензорча мудохаласиз чоп этиши шарт билан тақдим этамиз, биз мақоламизнинг ўзгартирилган ва дипломатик юмшатишган вариантда чоп этилишини истамаймиз.

Мақолаларимизда келтирилган фактлар ва фикрлар учун фақат бизнинг гуруҳимиз масъулдир, ЎХХ сайти таҳририяти ёки раҳбарияти эмас. Агар ЎХХ сайтида мақоламиз яна цензурага учраган ва юмшатишган шаклда чоп этилса, биз ЎХХ ва унинг расмий сайти билан ҳамкорлигимизни тўхтатамиз.

Эхтиром ила  
**Усмон Ҳақназаров,**  
сиёсатшунос

\*\*\*

“16 февраль ва 11 сентябрь: Ўзбек-Америка ўхшашликлари” номли сўнгги мақоламизда биз Тошкентдаги Оксарой ва Вашингтондаги Оқ Уйнинг ўзбек халқи ва ўзбек муҳолифатига қарши сохта террор амалиётлари ҳамда сохта давлат тўнтаришига уринишларнинг янги режалари ҳақида маълумот беришни ваъда қилгандик. Бугунги мақолада биз, ваъдага биноан, Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) ва АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) тарафидан ишлаб чиқилган янги фитна ҳақида сўз юритамиз. Шундай қилиб...

## Тошкент ва Вашингтон ўзбекистонликлар учун 2013 йилни “қиздирмоқчи”

Шу йил январининг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистон ва АҚШ ҳукумати “Жазирама-2013” дея сирли номланган махсус амалиётни режалаш, ташкил этиш ва амалга ошириш ишларини бошлаган, бу режа доирасида Тошкент ва бошқа бир қатор шаҳарларда сунъий исёнлар, оммавий тартибсизликлар, Каримов



ҳокимиятини ағдаришга уринишлар ҳамда ушбу сохта акцияларни, сохта тартибсизликларни ва сохта уринишларни олдини олувчи чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Каримов ҳокимияти режалаган бу сохта акциялар, сохта тартибсизликлар билан бирга кулолли кучларнинг чегара постларига, ҳарбий бўлинмаларига ҳамда Ўзбекистондаги баъзи камокхоналарга кулолли сохта ҳужумлар уюштирилади. Хусусан, МХХ сценарийсига кўра, бундай ҳужумлар ўзбек-тожик чегарасига яқин ҳарбий бўлинмалар ва чегара постларига қарши содир этилади.

Ўзбек-америка кўшма фитнасидаги ушбу “ҳужум” элементидан мақсад, кейинчалик маҳаллий ва хорижий жамоатчилик эътиборига “бу ҳужумлар Тожикистон ҳудудидан уюштирилди” дея иддао қилишдир. Бу элемент ўзбек исломчи жангариларни яширишда Тожикистон тарафини айблаш учун навбатдаги сохта баҳона хизматини ўтайди.

Бундан ташқари, ўзбек махсус хизматларининг сценарийсига кўра, Тошкент шаҳридаги бир қатор блок-пост ва ҳарбий қисмлар ҳам кулолли ҳужумга учрайди. Режага кўра, барча кулолли ҳужумларни Маҳмуд Худойбердиев жангарилари амалга оширади, бу жангарилар бугун ўзбек-тожик чегараси бўйлаб (Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоятларининг тоғли ҳудудларида) жойлаштирилган.

Ўзбекистон ҳокимиятида бу амалиётларга тайёргарлик 2013 йилнинг 1 январидан бошланган. Бугунги кунда режанинг бошланғич, кириш қисми тамомланган ва тайёргарлиқнинг фаол босқичига ўтилган. “Жазирама-2013”га тайёргарлиқнинг фаол босқичи шахсан Ислом Каримов назорати остида, Каримов “Жазирама-2013” махсус амалиёт учун масъул – МХХ раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов – билан доимий контактда.

Бугунги кунда Маҳмуд Худойбердиев жангарилари ва Мудофаа Вазириликнинг ҳамда МХХ чегара қўшинларининг махсус қисмлари сўнгги кўшма тренировкаларни ўтказмоқда.

(Давоми кейинги саҳифада)

## У.ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ВА АҚШ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР УЧУН “ЖАЗИРАМА-2013”НИ ТАЙЁРЛАЯПТИ

(Давоми: Боши олиндинги саҳифада)

Шуни ҳам таъкидлашимиз мумкинки, бўлажак махсус амалиётга ҳарбий тайёргарлик Жиззах вилоятининг Фориш (№39815 ҳарбий қисм) ва Зомин районидаги (№9225) ҳарбий полигонларда ўтказилмоқда. Бундан ташқари, ўхшаш тайёргарликлар Сурхондарёнинг Узун, Сариосиё, Деҳқонобод, Шеробод, Бойсун районларидаги ҳамда Қашқадарё ва Самарқанд вилоятидаги чегара қисмлари ҳамда махфий полигонларда олиб борилмоқда.

Жамоатчилик эътиборини яна ушбу фактга ҳам қаратмоқчимизки, режаланган амалиёт асносида ўзбек махсус хизматлари бу сафар ҳам сохта худкушлардан фойдаланмоқчи, худди 2004 йил АҚШ элчихонаси ва Тошкентдаги “Чорсу” бозоридаги сохта террорчилик хужумларида фойдалангани каби.

Бунинг учун Шухрат Ғуломов бошлик чекистлар гуруҳи худкушлар сифатида МХХ ва ИИБ СИЗОларидаги диний махбуслардан фойдаланмоқчи. Сохта худкушларнинг бошқа бир гуруҳини эса Ўзбекистон турмаларидаги энг бўйинғмас мусулмонлардан тузмоқчи, бунинг учун улар ётган турмаларга Маҳмуд Худойбердиев жангарилари хужум қилади ва сохта қочиш уюштиради.

Ўзбек чекистларининг режасига кўра, “Жазирама-2013” амалиёти асносида, СИЗО ва турмалардан “қочган” диний махбуслар кўлига гўёки кўзғолонга чиққан кўпминглик оломондан Каримов ҳокимиятини ҳимоя қилувчи ҳукумат кўшинларига қарши ишлатиш учун портловчи моддалар берилиши керак.

Бирок, қочоқ махбуслар кўпминглик оломон ичига кириши биланок, ўзбек махсус хизматлари бу портловчи моддаларни дистанцион бошқарув ускуналари ёрдамида ишга туширади. Бу билан ўзбек ва америка фитначилари кейинчалик диндорларни тинч аҳолига қарши худкушликда айблаш учун баҳона яратган бўлади.

“Жазирама-2013” режасини ишлаб чиқишда сценарий муаллифлари сохта худкушларнинг режадан ташқари ҳатти-ҳаракатлари эҳтимолини ҳам кўздан қочирмаган (масалан, кўзғолган оломон орасига ёриб киришни рад этиш ҳолатлари, портловчи моддаларни “муддатидан олдин” ҳукумат кўшинларига қарши ишлатиб юбориш каби). Бундай форс-мажор ҳолатларда ўзбек чекистлари портловчи моддалар ҳамда дистанцион бошқарув чиплари боғланган махсус ўргатилган итлардан фойдаланишни кўзлаган.

Яъни, “Жазирама-2013” амалиёти мобайнида сохта худкушлар оломон орасига киришни истамай, портловчи моддаларни тўппа-тўғри Каримов жангчилари орасида портлатишни истаб қолишса, уларнинг ўрнига оломон

орасига киритилган худкуш-овчаркалар бу ишни битиради. Ана шундан кейин бемалол бу “терактларда” “Ўзбекистон камокхоналаридан қочиш уюштирган” диндорларни айблайвериш мумкин. Ким қандай қилиб митингчилар орасига худкуш-инсонлар эмас, худкуш-кўппаклар киритилиб, портлатиб юборилганини исботлай олади?!

Юқорида келтирилганларни ўқиб, Каримов ҳукумати “Жазирама-2013” амалиётга фақат ҳарбий усуллар билан тайёрланапти экан, деб ўйлаш нотўғри. Йўқ! Ўзбек-америка кўшма фитнасига тайёргарликлар ахборот-тарғиботлар йўналишида ҳам олиб борилмоқда. Шундай қилиб...

### Миш-миш тарқатиш ва ижтимоий онга хужум

Дастлабки режаларга кўра, “Жазирама-2013” ни амалга ошириш шу йил 1 март ва 1 октябрь ораларида ўтказиш мўлжалланган. Ушбу амалиётни ўтказишнинг аниқ вақти эса қулай вақт ва вазиятнинг юзага келишига кўра белгиланади.

Ўзбек ва америка ҳукуматларининг ниҳойи режасига кўра, ўзбек ҳукумати томонидан уюштирилган сохта тартибсизликлар ва сохта намойишлар ортдан, расмий Тошкент бу ишларни ташкиллаштиришда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини айблаб чиқиши лозим.

Расмий Вашингтон эса аввал бу айбловларни сукут сақлаш билан, кейин эса ЎХХ фаолларини “Ўзбекистондаги Конситуцион тузумини куч билан ағдариш ва террор ҳаракатларини амалга ошириш”да айблаб, уларни қўлга олиш ва Тошкентга экстрадиция этиш билан қўллаб-қувватлайди.

Ушбу режани ўзига дастур қилиб олган Тошкент ва Вашингтон расмийлари жамоатчилик фикрини ўзбек ва америка махфий хизматлари тарафидан таёрланаётган “Жазирама-2013” махфий режаси бўйича амалга ошадиган “террор хужумларига” таёрлай бошлади.

Хусусан, бу махфий режага кўра 2013 йил 25 февралда Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгаши котиби тарафидан Хавфсизлик Кенгаши, МХХ ва Ички Ишлар Вазирлигининг мутасадди бўлимларига 2013 йил 1 мартдан бошлаб республикада курулли давлат тўнтариши ва мамлакатда тартибсизликлар чиқарилишига қарши давлат бошқарув органларининг олий ва ўрта таркиби раҳбарларига ҳамда олий ва ўрта таълим муассасалари раҳбарларига тушунтириш ишларини бошлаш ҳақида буйруқ имзоланган.

Бу буйруқни ижро этиш учун Хавфсизлик Кенгаши ва МХХ ходимлари мартнинг биринчи кунларидан эътиборан Тошкендаги лицей ва коллежлар раҳбарлари билан шошилинч мажлислар ўткази бошлаган.

Бу мажлисларда ЎХХ раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг гўёки Тожикистон орқали Ўзбекистонга курулли хужум хозирлаётгани айтилмоқда.

“Бизнинг разведкамиз маълумотларига кўра, Тожикистон худудида ЎХХ раҳбари Муҳаммад Солиҳ пул билан таъминлаётган ва фақат унга бўйсунадиган, исломий жангчиларни таёрлаш бўйича икки марказ бор. Бу лагерларнинг ҳар бирида 250 террорчи бор” — демоқда ушбу учрашувларда Хавфсизлик Кенгаши ходимлари лицей ва коллежлар раҳбарларига.

Уларнинг сўзларига қараганда, ҳозирги кунда Сурияда ҳарбий амалиётларда иштирок этаётган 6 мингга яқин жангари ҳам ЎХХ раҳбари Муҳаммад Солиҳга бўйсунди. Аммо ўзбек чекистлари Муҳаммад Солиҳнинг лагерлари Тожикистоннинг қайси районида ёки тоғли худудларида жойлашганини айтилмайдилар. Шунингдек, улар “ЎХХ раҳбари 6 минг жангарини нега ўзбек-тожик чегарасига эмас, олис Сурияга юборибди?” деган саволга ҳам жавоб бера олмайдилар.

Лекин Хавфсизлик кенгаши ходимларининг бундай мантқиқсиз, очик ва ошқора ёлғонлари тушунтириш ишларида қатнашаётган баъзи кишиларга ҳақиқатан қаттиқ таъсир қилмоқда. Бундай ташвиқотдан баъзи мактаб директорлари бошини ушлаган-ча, шоша-пиша ҳамкасбларига бу Хавфсизлик кенгаши вакилларининг сўзларини етказмоқдалар.

Улар ўз лицейлари ва коллежлари талабаларига шундай демоқдалар: “Огоҳ бўлинг, Ўзбекистонда Муҳаммад Солиҳнинг жангарилари кириб келиши ва ватанимизда араб тўполонларини бошлаб юборишлари мумкин”.

Худди шундай махсус ташвиқотни МХХнинг вилоятлардаги бўлим ходимлари вилоятлардаги ўрта махсус таълим мактабларида ҳам олиб бормоқдалар. Вилоятларда бу мақсадда ўтказилаётган йиғилишларда айни матнлар ўқиб берилмоқда. Орадаги фарқ агитаторларнинг шахслари ва йиғилганларнинг рўйхатларидир. Бизнинг тахминимизча, ЎХХ ва Муҳаммад Солиҳни обрўсизлантириш ишларига яқинда маҳалла оқсоқоллари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Каримов ҳукумати Муҳаммад Солиҳга қарши яна-да ифлосроқ йўллари ва ҳатто жиноий кучларни ишлатишни ҳам режалаштирмоқда. Шундай қилиб...

### МХХ махфий чопари Ғофур Раҳимов хузурида...

Шу йилнинг феврал ойи охириларида МХХ раиси Рустам Иноятов ўзбек вазирилардан бирининг укасини ҳозир “қатта тижоратчи” Ғофур Раҳимов яшайдиган Дубай шаҳрига махсус топшириқ билан юборган.

(Давоми кейинги саҳифада)



## У.ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ВА АҚШ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР УЧУН “ЖАЗИРАМА-2013”НИ ТАЙЁРЛАЯПТИ

(Давоми: Боши олиндинги саҳифада)

Ҳозирча биз бу топшириқ билан Дубайга Ғофур Раҳимов билан музокара-лар олиб бориш учун айнан ким кетгани ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз...

Бироқ биз Р.Иноятовнинг ўзига қарши жиноий иш очилган ва АҚШ ҳукумати томонидан халқаро текширув-га берилган Ғофур Раҳимовга ўз ода-мини юборганини биламиз. МХХ нинг бу элчиси Ғофур Раҳимовга МХХнинг ушбу мазмундаги топшириғини етказ-ган:

“Сизга тегишли бизнес-холдинглар-га эгалик қилишни истаган ҳукумат му-лозимлари ва таъсирга эга тадбиркор-лардан иборат бир гуруҳ, давлатимиз раҳбарига сизнинг Муҳаммад Солиҳ бошлиқ ўзбек мухолифатини молия-лаштираётганингиз ҳақида ёлгон ихбор-лар етказган. Давлат раҳбари бу ёлгонга ишонган ва ҳозир ҳам ишонади. Давлат раҳбари сиздан бу ихборларнинг асос-сиз эканини жорий ҳокимият фойдаси-га ўз амалий ишларингиз билан исбот этишингизни талаб этади. Давлатимиз душманларини бартараф этишдаги ёр-дамингиз сиз ҳақидаги ихборларнинг ёлгонлигини исботловчи амалий далил бўларди. Бу яна сизга қарши очилган жиноий ишнинг тўхтатилиши учун кучли туртки ҳам бўларди. Боз устига, сизнинг амалий ҳамкорлигингиз давла-тимиз раҳбари учун АҚШ ҳукуматидан сизга қарши эълон қилинган халқаро қидирувни бекор қилиш талабига са-баб ҳам бўларди. Бугунги кунда давлат раҳбари ва АҚШ раҳбарияти орасидаги муносабатлар ўта яхши экани ўзингизга маълум”.

Бошқача қилиб айтганда, МХХ Ғофур Раҳимовни икки танловдан би-рига мажбур қилмоқда: ё Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасдга ёрдам бериб, дунёда тижорат ишлари билан эркин шуғулланиши ёки ўзбек ва америка ҳукуматларининг ҳибсга олишларини кутиб яшаши керак.

Ғофур Раҳимов аввал ҳам таникли ўзбек мухолифатчисини йўқ қилиш ишига сармоя “ётқизганди”. Маълумки, Ғофур Раҳимов 2001 йилда мажбуран Ўзбекистон ҳукуматининг талаби билан Муҳаммад Солиҳни ўлдириш амалиёт-тини молиявий таъминлаган. Ушанда Каримов ҳукумати менинг тижорий ишларимга халақит бермас, деган умид-да у ўзбек мухолифати раҳбарини йўқ қилиш амалиётини бошқарган ИИВ тер-роризмга қарши кураш бўлими раҳбари Ботир Турсунов ва Интерполнинг ўзбек бўлими раҳбари Махмуд Ҳайитовларга икки миллион доллар берган.

Аммо ўшанда Муҳаммад Солиҳни йўқ қилиш режаси амалга ошмай қолганди. Бунинг сабаби, бу иш учун ёланган чечен йигитлар ўша пайтда Че-ченистон президенти бўлган Зелмихон Яндарбиевнинг буйруғи билан бу иш-

дан воз кечган эдилар. Ғофур Раҳимов бу ишни Каримов тижоратимни тинч кўяди, деган умидда молиявий таъ-минлаганди. Аммо Каримов ва Ино-ятов ўз ваъдаларини унутди ва Ғофур Раҳимовнинг тижоратини Гулнора Ка-римованинг талон-тарож қилишига йўл очиб бердилар...

Энди эса Ғофур Раҳимов 2001 йил-га қараганда баттарроқ аҳволда. Чунки у энди ўзбек ва америка махсус хизма-ти қидирувидан яширинишга мажбур. Ўзбек махсус хизмати Ғофур Раҳимовни жиноят кодексининг 165 (талон тарож қилиш), 243 (жиноий йўл билан мол-мулк орттириш), 228 (сохта ҳужжатлар, мухрлар, бланклар ҳозирлаш ва уларни истеъмолга қўйиш) моддалари бўйича қидирувга берган. Америка ҳукумати эса Ғофур Раҳимовни дунёнинг энг хав-фли наркотик жиноятчиси сифатида эъ-лон қилган.

Бу ишнинг бошида турган Каримов ва Иноятовлар Ғофур Раҳимовнинг қийин аҳволда эканини яхши билади ва шунинг учун ҳам уни ўзларининг навбатдаги жиноий фитнасига аралаштирмоқчи. Ғофур Раҳимов ҳам албатта бир пайтлар “ифлос ишни” мо-лия билан таъминлагани уни Каримов оиласининг ҳужумларидан қўриқ ол-маганини яхши тушунади.

Ғофур Раҳимов ЎХХ раҳбарини йўқ қилишда яна бир бор пул билан ишти-рок этишга розилик бериб, ўзбек мах-сус хизматининг таъқибидан қутулган тақдирда ҳам, у барибир бу билан аме-рика махсус хизматларининг жиноий иш таъқибидан қутула олмайди...

Шуни ҳам унутмаслик кераки, бу-гунги кунда ўзбек ва америка муно-сабатларида шартларни Тошкентдаги Оксарой эмас, Вашингтондаги Оқ Уй олға суради. Яна унутмаслик кераки, ўзбек ва америка ҳукуматлари “таниқли тадбиркор” билан шуғулланишдан кўра муҳимроқ ва узокни кўзлаган стратегик режаларга эгадирлар. Шундай қилиб...

### Ўзбек мухолифатини таъқиб этишда Американинг иштироки

Бизнинг мақоламиз “Каримов ва АҚШ ўзбекистонликлар учун “Жазирама-2013”ни тайёрлапти” деб номланди. Шу ўринда асосли бир савол туғилади: «Қандай қилиб АҚШ махсус хизматлари Ўзбекистонда режалашти-рилаётган ва амалга оширилиши кути-лаётган амалиётда иштирок этади?»

Дарҳақиқат, “Жазирама-2013”нинг ўзбекистонлик ва америкалик сце-нарий муаллифлари бу амалиётнинг асосий қисмини Ўзбекистонда амал-га оширмоқчи. Бироқ тағин унинг ки-чик, лекин муҳим қисмларидан бири Ўзбекистондан ташқарида – ЕИ ва АҚШ да амалга оширилади.

Гап шундаки, “Жазирама-2013” сценарийси бўйича, “Ўзбекистондаги

конституциявий тузумни ағдариш учун исломчи жангариларнинг қуроли хуружи бостирилиши” ортидан, Ка-римов ҳукумати бунда Муҳаммад Солиҳ раҳбарлигидаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг айблаб чиқиши, ҳамда бу Ҳаракат фаолларининг исм-шарифларини халқаро қидирувга бери-ши кўзда тутилган.

Мана шундан сўнг бу амалиёт-да Америка махсус хизматлари ўз амалий иштирокини бошлаб, улар ЎХХ фаолларининг бошқа мамла-катлардан Ўзбекистонга экстрадиция қилинишини қўллаб чиқишлари режа-ланган. Ўзбекистон МХХ АҚШнинг МРБга “Ўзбекистон ва Марказий Осиё-даги барқарорликка хавф солиши мум-кин бўлган ўта хатарли экстремистлар, ҳамда исломий террорга мойиллиги бўлган” шахслар рўйхатини тақдим эт-ган.

Бироқ Америка махсус хизматлари фақатгина “Жазирама-2013” амалиёт-ининг рўёбга чиқишини кутиб ўтирибди деб ўйлаб, хато қилмаслик керак. Бун-дан ташқари, улар мазкур амалиётдаги ўз миссиясининг яна бир қисми бўлган – “рўйхатда” номлари келтирилган шахсларни ушлашдек бошланғич ама-лиётларни ҳам бажаришлари лозим. “Жазирама-2013” доирасидаги бу мис-сиянинг бошланғич қисмини АҚШ аллақачон амалга оширапти.

Шу кунларда МРБ ходимлари Ўзбекистондан чиққан (рўйхатда исми келтирилган шахслар билан) АҚШда ва бошқа мамлакатларда яшовчи си-ёсий қочқинлар билан “танишув суҳбатларини” ҳам ўтказаяпти.

Жумладан, “Жазирама-2013” ўзбек-америка келишувлари доирасида МРБ ходимлари ўзбекистонлик қочқин Шухрат Аҳмаджоновни муттасил куза-тув остига олишган. Бундан ташқари, сал илгарироқ улар бу каби “танишув суҳбатини” аллақачон Ойгул Бекжоно-ва (ЎХХ лидери Муҳаммад Солиҳнинг укаси, сиёсий маҳбус Муҳаммад Бек-жоннинг қизи), Улуғбек Ҳайдаров, ҳамда яна бир неча кишилар билан ўтказган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш ло-зимки, АҚШ МРБ тошириғи билан шунга ўхшаш суҳбатларни ЕИ мамла-катларининг махсус хизматлари ҳам ўтказишяпти. Айниқса, бу масалада алоҳида жонбозлик кўрсатаётган деб Швеция махсус хизмати – SÄPO ни кел-тириш мумкин.

Америка-ўзбек махсус хизмат-ларининг ўзбек мухолифчиларини таъқиб қилиш бўйича ҳамкорлиги анча узок илдизларга эга, унинг дастлабки нукталари 2002 йилнинг март ойига бориб тақалади. Маълумки, ўша дамда АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорлик Декларацияси имзоланганди.

(Давоми кейинги саҳифада)

# У.ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ВА АҚШ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР УЧУН “ЖАЗИРАМА-2013”НИ ТАЙЁРЛАЯПТИ

(Давоми: Боши олиндинги саҳифада)

Бу ҳужжатда “Ўзбекистон ва АҚШ махсус хизматларининг диний экстремизм ва исломий терроризмга қарши курашдаги ҳамкорлиги” деб номланган махфий боб ҳам бор.

Мана шу бобнинг бир моддасида куйидагилар қайд этилган: “Ўзбекистон ва Марказий Осиёда хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳамда дунёвий ва диний мухолифатга қарши курашда АҚШ махсус хизматлари Ўзбекистон МХХ га амалий ёрдам кўрсатади”. Шундай қилиб....

## Тарихий чекиниш (Ўзбек мухолифатига қарши Каримов-Америка курашининг илк қадамлари)

Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов ўзбек мухолифати фаолларига қарши олиб бораётган ўзининг муро-сасиз курашида ўзбек-америка сиёсий ва геостратегик ҳамкорлиги доирасида бу махфий келишувнинг барча банд-ларига устамонлик билан амал қилиб келади. Бу келишув 2002 йилнинг март ойида имзоланиши ортидан, Ислоҳ Каримов дарҳол АҚШ ҳукуматидан ўзининг мухолифи бўлган Муҳаммад Солиҳни АҚШ ҳудудига киритмас-ликни талаб қилган. Бундан ташқари, мазкур махфий боб талабларидан келиб чиқиб, Ислоҳ Каримов Америка ҳукуматидан Муҳаммад Солиҳни диний экстремизм ва исломий терроризмга алоқадор деб билиб, у билан алоқага кирмаслик талабини ҳам қўйган.

Ва Америка ҳукумати Каримовнинг бу талабини хушнудлик билан қабул қилган: Муҳаммад Солиҳ учун АҚШ ҳудудига кириш визасини бермайдиган бўлиши. Давлат департаментидан шу қарор учун лозим бўлган директивани олишдаги расмийликлардан келиб чиқиб амалга оширилган бир тадбир жуда эса қоларлик бўлган.

Гап шундаки, Ислоҳ Каримовнинг Муҳаммад Солиҳни АҚШ ҳудудига киритмаслик ва у билан мулоқот қилмаслик ҳақидаги расмий талабини қабул қилганидан сўнг, МРБ бу талабни бажариш учун зарур бўлган Давлат департаменти директивасини чиқаришга арзигулик бир баҳона кашф этди.

МРБ АҚШдаги кўзга кўринган каримовчи сиёсатшунослардан бири бўлган Хопкинс университети профессори Фредрик Старга алоқага чиқди ва МРБга ўзбек мухолифати лидери Муҳаммад Солиҳ диний экстремист, ҳамда исломий террорчи эканлиги ҳақида хат ёзиб юборишини илтимос қилди. Шу билан бирга МРБ хизматчилари Фредрик Стардан бу буюртма асосида ёзилаётган хатига

“Мен таъкидлаётганимдек, Муҳаммад Солиҳнинг исломий экстремист ва террорчи эканлигини ўзбек мухолифатчилари Абдураҳим Пўлатов ва Жаҳонгир Маматовлар ҳам тасдиқлайди” – деган жумлаларни ҳам киритишни сўради.

Ўқувчиларимиздан МРБ ходимлари хоҳишига кўра қўшилган бу жумлаларни эсда сақлаб қолишларини илтимос қиламиз, чунки келгуси мақоламизда реал ўзбек мухолифатига қарши кураш олиб бораётган сохта мухолифатчилар мавзусига тўхталамиз.

Ф. Стар Америка махсус хизматларининг талабини бажариб, мазкур хатни Америка ҳукумати манзилига юборди. Шундан кейин каримовпараст профессорнинг мактуби МРБнинг штаб-квартирасида лозим бўлган кон-целярия жараёнларидан (қайддан ўтказиш, расман кўриб чиқиш ва ҳоказолардан) ўтди. Мазкур мурожа-атдан сўнг Америка махсус хизмат-лари “Бирлик” партиясининг раиси, АҚШ да яшовчи Абдураҳим Пўлатов ва собик журналист, ўзбек парламен-тининг депутати бўлган Жаҳонгир Ма-матовлар билан суҳбатлашди.

МРБ ходимлари Пўлатов ва Ма-матовлардан “мухолифатдаги “Эрк” партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ ҳақиқатан ҳам радикал-экстремистик диний кўз карашларга, ҳамда исломий террорга мойиллиги” ҳақида ёзма кўрсатмалар ҳам олди. Шу билан ўзбек сохта мухолифатчилари профессор Фредрик Старнинг келтирилганлари ёзма равишда яна бир бор тасдиқлаб беришди.

Шундан сўнг АҚШ МРБ Дав-лат департаментига Хопкинс уни-верситети профессори мактубининг моҳиятини баён қилиб, ўз докладини тақдим этди ва Америка ташқи сиё-сат муассасасига Америка ҳукумати ҳамда хорижий дипломатик мисси-ялари вакиллари Муҳаммад Солиҳ билан учрашишлари таъқиқланди. Айни мана шу докладда МРБ Давлат департаментига ўзбек мухолифати лидерини АҚШ га ташриф буюриши-ни таъқиқлашни ҳам “маслаҳат” бер-ди. Бу докладга Америка махсус хиз-матлари Ф.Старнинг мактубини, яна А.Пўлатов ва Ж.Маматовларнинг ёзма кўргазмаларини ҳам илова қилди.

Америка махсус хизматларининг Муҳаммад Солиҳ ҳақидаги докладини кўриб чиққаннан сўнг, АҚШ Давлат департаменти ўзининг хорижий ди-пломатик миссияларига ўзбек мухоли-фати лидерини АҚШ ҳудудига кирит-маслик ҳақида расмий кўрсатма берди. Сенаторлар ва Америка ҳукуматининг бошқа вакиллари ва билан мулоқот қилишларига ҳам таъқиқ қўйилди.

Давлат департаменти бу қарорни 2005 йилги Андижон қатлиомидан сўнг, айниқса Ислоҳ Каримов АҚШ

ҳукумати бу қирғинни халқаро тергов кўриб чиқиши кераклиги ҳақидаги талабларини бажармаганидан сўнг қайта кўриб чиқиб, уни бекор қилди. Қизиғи шундаки, Американинг норас-мий минбари бўлган АҚШнинг баъзи йирик ОАВ (масалан, “Washington Post”, “Voice of America” ва бошқалар) Оқ Уй маъмуриятининг Муҳаммад Солиҳга муносабати тўсатдан ўзгариб қолганига фавқулодда шов-шувга лойик ҳодиса сифатида қараши.

Биз Ўзбекистон ва Америка ора-сидаги ўзбек мухолифатига қарши қаратилган ҳамкорлик эскидан ўзининг муқаддимасига эга эканлигини, унинг қизиқарли тарихи ҳамда ҳуқуқий ба-заси ҳам борлигини кўрсатиш учун 10 йил илгариги воқеалар тарихига қисқа сафар қилдик. Демак, АҚШ МРБ ва Ўзбекистон МХХнинг тайёрланаёт-ган янги “Жазирама-2013” амалиёти доирасидаги ҳамкорлиги, Ўзбекистон сиёсий мухолифати фаоллари билан ўтказилаётган бугунли суҳбатлар – буларнинг барчаси илгари бошланган ўзбек-америка сиёсий-геостратегик корпорациянинг мантиқий давоми деб қараш мумкин. Шундай қилиб....

## Хулоса

Биз бу маълумотларни Ўзбекистон ҳукуматининг асл мухолифлари, ҳамда Ўзбекистон ва хориж жамоатчилигини Тошкентдаги Оксарой ва Вашингтон-даги Оқ Уйнинг ҳамкорликда тайёр-лаган режаларидан огоҳ этиш учун тақдим қилдик.

Чунки, ўзбек шори Алишер На-войий атганидек: “Сен огоҳ экан-сан, сен шоҳдирсан!” Бизнинг гуруҳимизнинг бу огоҳлантирув биз-нинг ватандошларимизнинг қари-мов-америка ҳамкорлиги остидаги шу йилнинг 1 мартидан 1 октябргача ўтказилиши режалаштирилган “Жа-зирама-2013” номли фитналарига ал-даниб қолмасликларини умид қилиб қоламиз. Бу мақолани ўқиганлардан эса уни бошқа сайтларда, айниқса ижтимоий тармоқлар, ҳамда Интер-нет-форумларида ҳам тарқатишини илтимос қиламиз. Бундан ташқари, бизнинг ўқувчиларимиз имкон дара-жасида, оғзаки бўлса ҳам унинг маз-муни билан ўз яқинларини, дўстлари ва танишларини ҳам огоҳ этишларини ҳам истаймиз.

Халқ оммасини огоҳ этиш ва уни уйғотиш жуда муҳимдир! Акс ҳолда Турк Республикаси асосчиси бўлган Мустафо Камол Отатурк сўзлари би-лан айтадиган бўлсак: “Уйқудаги халқ ё ўлиб кетади, ёки қул бўлиб уйғонади”.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,  
сиёсатшунос





**Фарғона.Ру, Баҳодир Мусаев,  
жамиятшунос, 04.02.2006**

Тинч инқилобнинг бахмал кумқоғози «Бошқарувчи синф ўз вазифаларини унутиб қўйиб, ҳокимиятга куч ва алдамчилик билан ёпишаётган жамиятни тоталитар деб ҳисоблаш мумкин». (Жорж Оруэлл)

Собик Совет Ўзбекистонда сталинча авторитар давлат ва у билан боғлиқ ҳаётнинг барча даҳшатлари қайта тикланди.

Ҳозирги бошқарув режими эгаларининг ҳулқини белгилловчи асосий омил ислохотлар эмас, биринчи гада ҳокимият эгаларининг яшаб қолишларини таъминлашдан иборатдир. Шу сабабли ўзига ана шундай яшашни таъминлаш учун ҳокимият эгалари жамиятнинг уйқутираб юришини чўзишдан, ижтимоий тўқималар ноziклигини сақлашдан манфаатдорлар. Ва бу нарса шу пайтгача уларга зўравонлик ҳамда унинг ҳамроҳи ёлғон ёрдамида ҳокимият позицияларини мустаҳкамлаб келдилар.

2005 йилнинг 13 май воқеалари ва дунёвий муҳолифатнинг, жумладан Муҳаммад Солиҳнинг, унинг ортида турган издошлари ва иттифоқчиларининг бугунги фаоллашуви ўзбекистонликларнинг бундан буён ҳам ортга кетишга рози эмасликларига ишорат қилмоқда.

Барча виждонли ва фикрловчи ватандошларимизга шу нарса аниқ бўлиб қолди: бугунги кунда мутлақо эркинлик ва мустақиллик томонида туриб ҳаракат қилиш мамлакат ривожланишининг бундан кейинги йўлларини танлаш, давлатни ташкил қилиш шакли ва бошқарув режими учун кураш зарурлигини билдиради. Бизни Ўзбекистон Россиянинг геосиёсий ўйинлари контекстида ўз мустақиллигини йўқотиб қўйиши бора-сидаги реал хавф туғилган вазият ҳам таъшивлантирмай қўймайди.

Жамият ҳокимиятнинг зўравонлигига қаршилик кўрсатиб уйғонмоқда, эркинлик сари интилмоқда. Эҳтимол мен воқеалардан бироз олдинга ўтиб кетаётгандирман. Шу билан бирга мен қуйидагиларни таъкидламоқчиман. Одамлар натижада бир нарсани аниқ англаб олдилар: Ўзбекистонда «амал-

## ЖАМИЯТШУНОС БАҲОДИР МУСАЕВ: «ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЭНДИ ОРТГА КЕТИШНИ ИСТАМАЙДИЛАР

дор халқ учун эмас, балки халқ амалдор учун» деган (Козн. С) турмуш тарзи шаклланди. Энди одамлар ҳозирги режимни ёқмай, реал ўзгаришларни хоҳлашларини кўрсатувчи жараёнлар юз бермоқда.

Бир қараганда «Эрк» партияси лидерининг Буюкбританиядаги чиқишларида айтган «...Каримовни тинч йўл билан ҳокимиятдан четлатиш» ва «дунёвий муҳолифатнинг иши оммани демократик ўзгаришларга тайёрлаш» борасидаги позицияси тушунарлидай кўринади. Бирок «Фарғона.Ру» сайтида «Муҳаммад Солиҳ Фарбни Ўзбекистондаги «тинч инқилобни» қўллашга чақирмоқда» деб номланган фикрлар резонанси менда муҳокамада иштирок этган муаллифларнинг таҳлил ва далилларига нисбатан бир қатор принципиал эътирозларни пайдо қилди. Айтиб ўтиш керакки, уларнинг ҳар бири ўз фаолияти соҳасидаги таниқли инсонлардир. Лекин таҳлилчиларнинг фикр юритиш оҳанги уларнинг Ўзбекистондаги аҳвол шу тарзда сақланиб қолиши тарафдорлари эканини кўрсатади. Уларни ўзбек халқининг ўзлари фожиавий бугуни ҳамда такдири кўпма кизиктирмайди, деган таассурот уйғотади. Бу матнларни ўқиб, шуни кузатдимки, баъзилари мантиқий занжир билатуриб айтилган ёлғон ва ёки оддий анойилиқдир. Баъзиларидаги далилсиз иддаолар эса муаллифнинг фикрларини бемаъни қилиб қўйиш даражасигача боради. Яхшиси, ҳаммасини бошидан бошлайлик.

1. Даниил Кисловнинг фикри бўйича менда алоҳида эътирозлар йўқ. Муаллиф М. Солиҳнинг 1993 йилдан тортиб шу кунгача бўлган фаолияти хронологиясини жуда тўла ва аниқ бера олган. Мен муҳолифат лидери ўзининг сўнги чиқишларида ( 19.01.2006 ва 20.01.2006 йил) гўё Ўзбекистонда оммавий халқ чиқишларини ташкил қилишни ваъда берди, деган гапга қўшилмайман. Агар «Эрк» партиясининг юқорида айтилган нутқларини диққат билан ўқиб чиқсак, бундай сўзлар айтилмаганига амин бўламиз. Бу нарсанинг маъносини матн орасида ҳам тополмайсиз. Муҳаммад Солиҳнинг нутқида биргина «эхтиётсизлик» бор: «Ҳозирги режимни фақат Каримов ҳокимиятини алмаштирибгина енгиш мумкин».

Менимча, аввалги баёнотларига қараганда бу ерда шоирнинг шошилинч чиқарган хулосалари йўқ. Табиийки, унинг бундай чиқишлар сиёсатчининг обрўсига путур етказиб қўйиши мумкин эди. Шу ўринда М. Солиҳнинг «Каримов ҳокимиятини тинч йўл билан алмаштириш»га урғу бериши эътиборни тортади. М. Солиҳга романтик хусусиятларни бериш адолатдан бўлмайди. Шу сабабли, «биз «инқилоб» сўзини ҳеч ким бизчалик жиддий қабул қилмаслигини биламиз. Сабаби ҳеч ким унинг зарури-

гини бизчалик ҳис қилгани йўқ», деганда у ҳар доимгидан ҳам жиддий ва ҳар бир сўзини тарозига солиб кўрган.

Муҳолифатчининг чиқишларини бойитувчи метафоралар билан баён қилишида ҳам бирор салбий нарса йўқ. Жамиятимизнинг ривожланиши масалалари билан бир неча йилдан буён шуғулланаётган жамиятшунос ва инсон сифатида мен уларни ҳузур билан ўқидим. Шахсан мен хориждаги муҳолифат ичиде бу қадар Ватанга бўлган самимий ва шоирона безатилган муҳаббат билан мустабид тузумга нисбатан шу қадар нафрат туйғуларини намоён қилган, мамлакат муаммоларини тушунган, шунчалик интеллектуал иқтидорга эга бошқа бирор шахсни билмайман. Ўзбекистондаги ҳокимият ва муҳолифат муаммолари билан кизикқан ҳар бир одам бу ҳақда «Эрк» Демократик Партияси лойиҳасининг тўлдирилган варианты билан [www.Erkinyurt.org](http://www.Erkinyurt.org) саҳифаларида танишиб чиқиши мумкин. М. Солиҳнинг айтишича, Миллий Нажот Қўмитаси билан бирга ишлаб чиқилган парламент ва президент сайловларигача бўлган ўтиш даври учун дастур мавжуд. М. Солиҳнинг миллат кутқарувчиси ролига тўғри келиш келмаслиги ўринли савол. Бирок бундан вақт кўрсатади.

2. Аркадий Дубнов Солиҳнинг бугунги фаоллашуви Ўзбекистон раҳбариятининг ислохотлар бўйича ҳаракатларининг катализатори бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги ҳақида қизик фикр билдирган. «Солиҳ қаргасини» унинг «чиндан ҳам ташқаридан туширилган жиддий сиёсий фигура бўлиб қолиши мумкинлигидан» кўрқиб натижасида ўйналаётган ҳам бўлиши мумкин деб ҳисоблайман. Бу масала негизда Москвадаги сиёсий технололар билан Каримов атрофидаги манфаатдор томонлар ва Россиянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари ётганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Дарвоқе, мен журналист-таҳлилчининг муҳокамада катнашган барча иштирокчилар орасида жуда муҳим «...Муҳаммад Солиҳга ўхшаган дунёвий лидер», иборасини қўллагани эътиборимни торти. Назаримда бошқа оппонентлар Солиҳ раҳбарлигидаги муҳолифат фаолиятининг дунёвий асосда қурилганини кўришни истамаётдилар.

3. Малашенко «Фарғона.Ру» муҳбирининг «Ўзбек муҳолифатида норози оммани бирлаштира оладиган шахс борми?» деган саволига биргина, «Йўқ. Яқин кунларда бўлиши ҳам мумкин эмас», дея жавоб бериб, дарров хатога йўл қўяди. Бу қадар ишонч ва башоратчилик қаёқдан пайдо бўлди? Бу фикр орқасида биз халқни пастга уриш сифатида, унинг чеklangанини айтиб, яхшироқ ҳаёт кечирिशга лойиқлиги, муносиб лидерларни олга суршидек салоҳиятини тан олмаслик ётади.

(Давоми бор)

## ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

### Аутизм

Аутизм болаларда 3 ёшдан аввал юзага чиққан ва умр бўйи давом этган мия хасталигидир. Бундай болаларда тил ривожланмайди. Гапиришни ўрганадилар, аммо ғалати тилда “мен” ўрнига “сен” ёки “у” дейишади.

Аутистик болалар бошқаларнинг кўзларига қарай олмайдилар, қучоқлаганда безовта бўлишади. Кишиларнинг хиссиётларини тушунишда қийналишади. Улар гиперфаол ёки, тескариси, ўта пасивдирлар. Уз дунёсида яшайдилар, биров чақирса, жавоб беришмайди, бир жойга тикилиб ўтираверишади.

Аутизм 2-5 ёш орасидаги болаларнинг кўпчилигида жаҳл хуружлари - ўзини ерга отиш, тепиш, тепиниш, тишлаш, ўз сочларини тортиш, бошини деворга уриш, ўз кўзларини тишлаш, юзини тимдалаб конатиш, қаттиқ йиғлаш, бақириш, уйдаги нарсаларга зарар бериш шаклида ўзини кўрсатади. Аутизм фикрлаш сустлиги, эпилепсия ва бошқа бузуқликлар билан юзага чиқиши мумкин.

Аутистик кишиларнинг фақат 20% га яқини нормал ёки яхши фикрлай оладилар. Улар расм, мусиқа, математика каби соҳаларда муваффақиятли бўлишлари мумкин. Аутистик кишилар вояга етишганида уларнинг аксариятида шизофрения ва 25-30% да эпилепсия кузатилади.

Аутизм бутун дунёда тарқалган ва ҳар беш аутистикнинг тўртинчиси эркак.

Америкада ҳар 120-150 боладан биттаси аутистик. Туркияда эса 100.000 га яқин аутистик киши борлиги тахмин қилинмоқда.

### Аутизмнинг сабаблари:

“Тимеросал” моддаси илк бор 1931 йил бола эмлашида ишлатилган эди. Бу эмлашдан бир неча ой кейин 11 та болада аутизм касаллигининг илк белгилари қайд этилди.


Шундан кейин “Тимеросал” эмлашларда ҳозиргача ишлатиб келинмоқда.

“Тимеросал”: Эмлашларда ишлатилган сакловчи, микроб кўпайишининг олдини олади. Тимеросал 49.6% симобдан ташкил топган; у метаболизм жараёнида этил симоб ва тиосалицилатга айланади. Микробларни йўқотган модда этил симобдир. Уткир симоб захарланиши ўлимга сабаб бўлиш билан сурункали симоб захарланиши юрак касаллиги, аутизм, гаплашиш бузилиши, гиперфаоллик, конвулсиялар каби кўп сонли жиддий касалликларга сабаб бўлади.

Сурункали симоб захарланишида кўрилган хиссий, неврологик, мотор, ҳаракат ва биокимёвий бузилишларнинг айнииси аутизмда ҳам кузатилади.

Симоб компонентларининг ёғда эриш хусусияти кўп. Мия ва асаб тизими хужайраларининг катта бўлими ёғдан ташкил топгани учун симобдан келадиган зарарнинг энг каттасини бу хужайралар кўришади.

Симоб хусусан хужайра пардаси тузилмасидаги протеинларга боғланиб хужайра пардаларини захарлайди, тузилишини бузади. Оқувчилиги йўқолган хужайра пар-



даси қаттиқлашиб, хужайранинг тез қаришига сабаб бўлади. Токсик симоб мавзуида дунёга танилган мутахассис Др. Бойд Халей шундай дейди:

“Тимеросал” ин бир ҳайвонга инекция қилинганида, унинг мияси зарар кўради, жонли тўқимага инекция қилинганида, тўқима хужайралари ўлади. Бу йўқотишнинг кейинги зарарлари эътиборга олинса, тимеросал таркибли эмлашларни янги туғилган болаларга қилувчи кишиларнинг ҳалиям мавжудлиги ҳайратланарлидир!”

Австрия, Япония, Англия ва барча Скандинав мамлакатлари Тимеросал таркибли эмлашлар ишлаб чиқарилишини таъқиқлаган, бу таъқиқлашдан кейин аутизм воқеалари тезлик билан камайишни бошлаган.

Бундан ташқари бир қанча мамлакатларда янги туғилган ёки она сути билан озиқланган болаларга сил касаллигини олдини олиш нияти билан қилинган жонли эмлашлардан воз кечишга тайёр туришибди. 7 июль 1999 йил Америка Педиатрия Бошқармаси (ААП) билан Америка Қўшма Штатлари Халқ Соғлиги Хизмати (ПХС) шерикликда мажлис ўтказиб, Тимеросал моддасини эмлашлардан чиқаришига қарор қилишган.

Авалроқ ишлаб чиқарилган симобли эмлаш дорилари эса Туркияга ва бу воқеалардан хабарсиз мамлакатларга юборилишда давом этган.

Аутизм симптомлари эмлаш қилинганидан бирнеча йил кейин умумий 3-5 ёшлар оралигида билингани учун натижалар 2003 йилдан кейин олинган.

“Journal of American Physicians and Surgeon”нинг 2006 йил март сониде тарқалган тадқиқотга кўра, АҚШ тарихида илк марта бола аутизм орқага кета бошлаган. Расмий халқ соғлиги статистикасига кўра, Калифорнияда 1995 йил 120га яқин янги ташхис этилган аутистик бола сони 2000 йил 600, 2003 йил 800га чиққан.

2006 йил бошида эмлаш воқеалари сони 1000дан зиёд экан, эмлашнинг таъқиқланиши таъсирини кўрсатиб, 620га тушган. Айни йилларда Туркияда янги ташхис этилган аутистик бола сони эса табиийки юқорилаб кетган. Фақат бу мавзуда Туркияда ҳеч қандай тадқиқот қилинмаган.

Грипп ва Гепатит В эмлашларининг кўпи ҳозиргача тимеросал (симоб) таркибли, бу эмлаш дорилари ҳомиладорлар, туғиш жараёнида болаларга ва 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларга тавсия қилинмоқда ва соғлиқ бошқармаларида сурункали татбиқ қилинмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, тимеросал симобнинг ўзидан-да хавфлидир. (“Бола-лар касалликлари” бўлими “Эмлашлар” бандига қаранг.)

Аутизмнинг бошқа сабаблари учун “Фибрил Конвулсиялар” мавзуига қаранг.

**Даво:** Аутизм давоси гиперактив хасталигининг даволаниши билан бир хилдир. Бу даволанишни 3 йил кетма-кет бир марта такрорлаш керак, фақат 2 ва 3 йил амалда қўллаган даволаниш пайтида баҳор ва кузда бир мартадан зулук даволаниши, ёз ва кишда бир мартадан бош ва думғазадан қон олдирилади.

Фарук, 8 ёш, 2 синф ўқувчиси (Истанбул)нинг онаси ҳикоя қилади:

“Фарук 31.8.1998 йил “цезар амалиёти” билан туғилган. 3.5 ой она сути эмган. Кейин тайёр бўтқа, гуруч ундан тайёрланган шарбат ва мева сувлари ичишни бошлаган. Безовтаиди, тез-тез иссиғи чиқарди, инжиклик, юра олмаслик, кўп сув ичиш, кечалари ухламаслик - уйқусида ҳам тез тез бақириб уйғониш шаклини ола бошлади. Иссиғи чиққанда, турли антибиотиклар ичирилди, бу ҳеч қандай натижа бермасди.

Икки ёшга етмасдан аллергия пайдо бўлди. 2.5 ёшида ҳам юра олмас, ўтира олмас, бўғимлари ҳеч букилмасди. Гапира олмас, фақат ғалати овозлар чиқарди. Ўзи овқатлана олмасди. Териси сарик, қони йўқдек эди. Тепа олдинги тишларидан 4тасида бошқа тишлардан фарқли қахва ранг доғлар бор эди. Тиш эмали соғлом эмас, ғадири-будир эди (Бу белгилар оғир мия захарланишининг ишоратидир. О.Солих).

“Қачон шифо топаркан”, деб шифокордан сўралганида мавҳум жавоблар берилган. Ойдин хонимнинг программаси бўйича даволанишини бошлагандан 1 ой кейин ўтиришни, кейин юришни, 1 йил кейин гапиришни ўрганди. Юзининг ранги нормал ҳолга келди.

Даволанишнинг илк ойларида иссиғи чиқар ва қусарди. Қусиш билан қора балғамлар чиқарди. Тез-тез ичи кетарди.

Фарук 3.5 ёшида экан, ҳомиладор бўлдим. Ойдин хоним ўргандининг туғишга таъргарлик курсини қўллагандан кейин нормал туғиш қилдим. Фарук укасини жуда яхши кўради ва у билан ўйнади. 5 ёшида болалар боғчасига борди. У пайтлар қисқа жумлалар тузарди. 6 ёшида чиройли гапиришни ва шу йили бошланғич синфга борди. Ўртоқларини ўқитувчисини ва ўқишни жуда яхши кўради. Ўзига бўлган ишончи ўрнига келди. Ҳозир Фарук Инглизча дарс берадиган халқаро мактабга боради. 2 синф ўқувчиси, келишган, аклли ва тарбияли бола. Теннис ўйнайди, от минади. Ҳафтада 2 марта баскетбол ўйнайди.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Иўлдош**